

23.3/54
M 21

НАТАН МАЛЛАЕВ



БУЮК ШОИР
ВА МУТАФАККИР

НАТАН МАЛЛАЕВ

**БУЮК ШОИР ВА
МУТАФАККИР**

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент – 2019

УЎК: 821.512.133.09 (092) Навоий
КБК: 83.3г (5Ў)
М 29

Маллаев, Натап.

Буюк шоир ва мутафаккир[Матн] / Н. Маллаев. Муҳар-
рир М.Жабборов. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2019. – 68 бет.

Рисола буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг
578 йиллигига бағишланади. Унда Навоий яшаган давр, Навоийнинг
хаёти ва фаолияти ҳақида лўнда маълумот берилади, шоир лирика-
си, "Хамса" ва бошқа асарларининг муҳим хусусиятлари ёритилади
ҳамда Навоийнинг жаҳон адабиёти тараққиётида тутган ўрни қайд
қилинади.

Рисолага Навоий ҳаёти ва фаолиятининг муҳим саналари, Наво-
ий яратган асарлар рўйхати, Навоий ҳақида яратилган илмий-омма-
боп асарлар библиографияси ва Навоий номи билан аталган муҳим
жойлар рўйхати илова қилинади.

Рисола кенг китобхонларга, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида
фойдаланишга мўлжалланади.

УЎК: 821.512.133.09 (092) Навоий
КБК: 83.3г (5Ў)

Қайти нашрга тайёрловчи
Шукурова Зилола


Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси.

Матн терувчи
Абдуллаева Дилдора

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси

ISBN 978-9943-06-628-1

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2019.



Ўзбек халқи кўп асрлик бой маданият тарихига эга. У жаҳон илм-фани, санъати ва адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшди. Улуғ ўзбек олимларининг илмий кашфиётлари ва асарлари, санъат ва адабиёт аҳллари томонидан яратилган ноёб обидалар жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин олиб келмоқда.

Ўзбек халқи маънавий маданиятининг катта ва ажралмас бир қисми унинг классик адабиётидир. Бу адабиёт мураккаб тараққиёт босқичларини кечиб ўтди. Унинг илғор намояндалари жамиятда мавжуд иллатларга қарши курашиб, халқ манфаатларини ҳимоя қилдилар, инсонпарварлик, халқпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини куйладилар, олийжаноб инсоний фазилатларни тарғиб этдилар, ўлмас образ ва асарларини яратдилар. Хоразмий, Сайфи Саройи, Қутб, Дурбек, Амирий, Яқиний, Отоий, Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Турди Фароғий, Мужрим Обид, Хиромий, Нишотий, Махмур, Гулханий, Мунис, Огаҳий, Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Комил, Мирий, Муқимий, Фурқат, Аваз ва Завқий каби истеъдодли сўз санъаткорлари ўзбек мумтоз адабиёти камолотида катта ўрин эгалладилар.

Кўп асрлик ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётида улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ижодий фаолияти энг юксак бир чўққи бўлди. У ўзигача бўлган ўзбек адабиёти тақомилига бир якун ясади, уни янги тараққиёт поғонасига кўтарди ва келажагини белгилади, ўзидан кейинги сўз санъаткорлари ижодида буюк устоз сифатида чуқур из қолдирди. Шу билан бирга, Алишер

Навоий ўзбек мумтоз адабиётини жаҳон миқёсига олиб чиқди, ўзи эса башар адабиётининг буюк сиймолари қаторидан жой олди. Унинг номи ва мероси Гомер ва Фирдавсий, Низомий ва Руставели, Шекспир ва Балзак, Пушкин ва Толстой номи ва меросидек мангудир.

Алишер Навоий бугун фаолияти ва ижодиётини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг озо-йишталигига, ички низоларнинг олдини олишга, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлади. Ўзбек адабий тили ва мумтоз адабиётини янги тараққиёт поғонасига кўтарган Алишер Навоий, айна пайтда йирик давлат арбоби, қомусий олим, ўз даври маданий ҳаётининг ҳомийси ва сарвари, кўплаб шогирдларнинг беминнат ҳомийси, устоз, мураббий ҳам эди.

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий катта адабий ва илмий мерос қолдирди. У: "Умидим улдирки ва ҳаёлимга андоқ келурки, сўзим мартабаси авждан қуйи энмағай ва бу ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмағай", - деган эди. Навоий янглишмади. Халқ, тараққийпарвар маданият, маърифат аҳллари, санъат ва адабиёт мухлислари Навоийни юксак қадрлаб, унинг обидаларини ардоқлаб келдилар. Навоийнинг орзулари, айниқса, бизнинг замонда рўёбга чиқди, ушалди.

НАВОИЙ ДАВРИ

Алишер Навоий XV асрнинг иккинчи ярмида, темурийлар ҳукмронлиги даврида яшади ва ижод этди. Навоий яшаган даврда мамлакатда ихтилоф ва зиддиятлар хийла чуқурлашган давр эди. Бу даврда ижтимоий-синфий ва мафкуравий кураш янада чуқур илдиз отиб, кескинлашиб боради. Давлат ҳокимиятини марказлаштиришга интилиш билан тарқоқ ҳокимиятчилик ўртасида қаттиқ кураш бориб, уруш ва тўқнашувлар халқ кучи билан барпо этилган йирик суғориш иншоотларини, экинзор ва боғ-роғларни вайрон этади, меҳнаткаш омманинг моддий аҳволини янада оғирлаштириб, унинг сарой сиёсатига қарши норозилигини кучайтиради.

Темур (1336-1405) Ўртаер денгизидан Хитой чегарасига қадар чўзилган катта-империя вужудга келтирган эди. Темур вафот этиши билан унинг давлати парчалашиб кетди, кўп ўлкалар ундан ажралиб чиқди. Темурнинг ворисларига Хуросон ва Мовароуннаҳр қолди. Тож-тахт учун қаттиқ кураш бошланиб кетди. Узоқ давом этган қонли курашлардан кейин, 1409-йилда тахтга Шохруҳ чиқди. У Хуросонни ўзига қолдириб, Мовароуннаҳрни ўғли Улуғбекка берди. Кўринишдан, темурийлар давлати икки ҳокимиятдан иборат бўлса-да, аслида унда шахзодаларнинг бир неча майда ҳокимиятлари бор эди. 1447-йилда Шохруҳ вафот этди. 1449 илда Улуғбек золим амалдорлар томонидан ёвузларча ўлдирилди. Тож-тахт талашлари авжига чиқди. Ниҳоят, Хуросон Абулқосим Бобурга (ҳукмронлик йиллари 1451-1457), Мовароуннаҳр Абусаид Мирзога (ҳукмронлик йиллари

1452-1469) ўтади. Абулқосим Бобур вафотидан кейин Хуросон тахтини ҳам мустабид ва жоҳил Абусаид Мирзо эгаллайди. У 1469 йилнинг бошларида Ғарбий-Эронга хужум қилиб, жангда-мағлубиятга учраб ҳалок бўлади. Кўп йиллар давомида тож-тахт учун курашиб келган Ҳусайн Бойқаро (ҳукмронлик йиллари 1469-1506) Хуросон тахтини эгаллаб олди. У Навоий ва бошқа маърифатпарварларнинг фаолияти ва ташаббуси билан давлат ҳокимиятини бирмунча мустақкамлаб, ободончилик, илм-фан, санъат ва адабиёт ишларига катта эътибор беради.

Сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг, савдо-сотик ва хунармандчиликнинг нисбий ўсиши, бошқа ўлкалар билан иқтисодий-маданий алоқаларнинг жонланиши йирик шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва бошқа тадбирларнинг амалга оширилиши Хуросон маданий ҳаётининг тараққий этишига маълум замин тайёрлади.

Бу даврда Самарқанд ва Ҳирот каби катта шаҳарлар йирик маданий марказга айланди. Бу шаҳарларда кўпгина олимлар, санъаткор ва ёзувчилар ижодий иш олиб бордилар. Самарқанднинг маданий тараққиётида, айниқса, Улуғбекнинг ўрни катта бўлди. Улуғбек олимлиги ва маърифатпарварлиги билан бошқа ҳукмдорлардан фарқ қилар эди. Самарқанддаги Бибиҳоним, Шоҳизинда, Улуғбек мадрасаси, Улуғбек расадхонаси, Гўри Амир ва бошқа бинолар халқ меъморчилигининг ажойиб обидалари сифатида вужудга келган эди. Самарқанд мадрасаларининг довуғи Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига кетган эди. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийлар ҳам Самарқандда таълим олган эдилар.

Бу даврдаги маданий марказлардан бири Ҳирот бўлиб, шаҳар аҳолисининг кўпчилигини ўзбеклар, тожиклар, афғонлар ташкил қилар эди. Ҳиротнинг маданий марказ сифатида ривожланишида ва обод бўлишида, айниқса, Алишер Навоий муҳим ўрин тутди. "

олимларни, санъат аҳллари, шоирларни ўз атрофига тўплади, уларга ҳар томонлама ёрдам берди, ижодий ишларга илҳомлантирди.

Шунингдек, маъмурий ва маданий марказ сифатида Андижон, Бухоро ва Балх каби шаҳарлар ҳам машҳур эди.

Бу даврда табиий фанлар ҳам, гуманитар фанлар ҳам хийла ривожланади. Табиий фанлар соҳасида, айниқса, астрономия юксалди. Бу фаннинг юксалиши, хусусан, Улуғбек, у асос солган астрономия мактаби вакиллари Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ва Али Қушчи каби буюк олимларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Улуғбекнинг астрономик жадвали ва унинг раҳбарлигида бино қилинган расадхона бу давр астрономия фани ютуқларининг чўққиси бўлиб, фаннинг кейинги тараққиётида чуқур из қолдирди. Гуманитар фанлардан, айниқса, тарих, адабиётшунослик, тилшунослик ва бошқалар ўсди. Шарафиддин Али Яздий, Ҳофизи Абру, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир ва Восифий каби машҳур тарихчилар, Фазлуллоҳ Абуллайсий каби тилшунос ва адабиётшунос олим, Давлатшоҳ Самарқандий каби машҳур тазкиранавис етишди. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ҳам ижтимоий-гуманитар фанларнинг забардаст намояндаси эдилар.

Нафис китоб, хаттотлик, наққошлик ва тасвирий санъат бобида Султон Али Машҳадий, Мир Али Қилқалам, Мирак Наққош, Беҳзод, Шоҳ Музаффар каби нодир истеъдод соҳиблари етишди. Булар яратиб қолдирган асарлар шу кунга қадар жаҳон санъатининг энг нафис ёдгорликлари бўлиб келмоқда. Дувоздаҳ мақом ва шу мақомлар заминиде вужудга келган шашмақом такомиллашди, янги-янги куйлар яратилди, мусиқа назариясига доир қимматли рисоалар битилди.

Бу даврда ўзбек мумтоз адабиёти юксак тараққиёт поғонасига кўтарилиб, дунёвий адабиёт ғамол топди.

Гуманизм ва халқпарварлик давр адабиётининг ғоявий асоси бўлди. Бадий адабиёт образлар системаси, жанрлар ва санъаткорлик маҳорати жиҳатидан такомиллашди. Атоий ва Саккокий, Амирий ва Яқиний, Гадоий ва Муқимий, ниҳоят Алишер Навоий томонидан "Малик ул-калом" деб юксак баҳоланган мавлоно Лутфийлар етишди. Адабий алоқалар ҳам ривожланиб, янги самаралар бера бошлади, ўзбек таржима адабиёти хазинасини бойитди.

НАВОИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилди. Унинг отаси Ғиёсиддин Кичкина мансабдор, бувилари темурий шаҳзодаларнинг энагалари бўлган. Алишер гўдаклигида темурий шаҳзодалар билан бирга тарбияланди. Тўрт ёшида уни ўқишга бердилар.

Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин Хуросонда қизиб кетган уруш-жанжаллар кўп кишиларни турли томонга кўчиб кетишга мажбур этди. Жумладан, Навоийлар оиласи Ироққа кўчиб, Тафт шаҳрида яшади. 1452 йилда яна Ҳиротга қайтиб келди. Ғиёсиддин Кичкина Абулқосим Бобур саройида хизмат қила бошлади. Кўп ўтмай у Сабзавор шаҳрига ҳоким қилиб тайинланди. Навоий Ҳиротда қолиб, ўқишни давом эттирди.

Алишер, айниқса, адабиётни севди. Оила муҳити, болалигидаёқ, унда адабиётга зўр ҳавас туғдирган эди. Отаси маърифатпарвар киши ва санъат ҳамда адабиёт муҳиби, тоғалари Мирсаид – Кобулий, Муҳаммад Али – Ғарибий етук шоир эдилар. Навоийлар уйида тез-тез шоирлар тўпланишиб, шеърлар ўқишар, адабиёт ва санъат ҳақида мусохабалар қилар эдилар.

Алишер бадий асарларни ўқиш ва ўрганиш билан кифояланиб қолмай, ўзи ҳам шеърлар ёза бошлади. У 10-12 ёшларидаёқ илк шеърлари билан маълум бўлиб,

катта санъаткор ва олимларнинг диққатини ўзига жалб қилган эди. Ўзининг "Мажолис ун-нафоис"ида айтишича, 10-12 ёшларида машҳур кекса шоир Миршоҳий билан хат ёзишиб турган. Ёш Алишернинг истеъдодидан мамнун бўлган мавлоно Лутфий Хондамирнинг хабар беришича, унинг:

*Оразин ёпқоч, қўзумдан сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач куёш, –*

матлаъли ғазалини тинглаб, "Агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштиардим..." – деган.

Алишер отадан ёш қолди. У маърифатпарвар ҳукмдор Абулқосим Бобур қарамоғида тарбиялана бошлади ва 15 ёшида Султон Ҳусайн Бойқаро билан бирга саройда хизмат қила бошлади. Абулқосим Бобур 1456 йилда Машҳадга жўнайди. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ҳам Машҳадга бориб, ўқишни ўша ерда давом эттиришади. 1457-йилда Абулқосим Бобур вафот этади. Навоий Машҳадда қолиб ўқийди, Ҳусайн Бойқаро эса тахтни эгаллаш учун куч тўплаш мақсадида Марвга жўнайди.

Навоий мантиқ, фалсафа, риёзиёт ва бошқа фанлар билан шуғулланади. Форс-тожик, араб ва ўзбек мумтоз ёзувчиларининг асарларини кунт билан ўрганади. Ўзбек ва форс-тожик тилларида гўзал шеърлар битиб, зуллисонайн (икки тил эгаси) сифатида шуҳрат қозонади. Ўзбек тилидаги шеърларига "наво" – куй сўзидан олиб "Навоий", форс тилидаги шеърларига "фано" – вақтинча, ўткинчи сўзидан олиб "Фоний" тахаллусини қўллайди.

Навоий Машҳадда машҳур шоир ва фозиллардан бўлган Саййид Ҳасан Ардашер ва Камол Турбатийлар билан танишиб, дўстлашади, ижодий ҳамкорлик қилади.

Кейинчалик Навоий Абдурахмон Жомий билан танишади. Навоийнинг билими ва адабий қобилиятидан

.....
мамнун бўлган Жомий уни ҳам шогирд, ҳам фарзанд деб биларди. Кўп ўтмасдан шогирд ва устознинг муносабатлари икки улуғ шоир ва мутафаккирнинг дўстлиги ва ҳамкорлигига айланди.

Ҳиротдаги тож-тахт талашлари бирмунча пасайганидан кейин Навоий Ҳиротга қайтади. Бироқ Хуросон тахтини ҳам эгаллаб олган Абусаид Мирзо Улуғбекнинг оила аъзоларини, илм-маърифат аҳлларини қаттиқ таъқиб этиб, жазолаб, эл-юрт норозилигини оширади. Абусаид Мирзо бадахшонийлар қўзғолонига хайрихоҳ бўлган, тоғалари ҳам унда иштирок этган ва Султон Ҳусайн Бойқародек рақибига дўст бўлган халқпарвар ва маърифатпарвар Алишер Навоийни, Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) сўзи билан айтганда, Ҳиротдан “ихрож” (сургун) қилади. Навоий йирик маданий марказлардан бири Самарқандга келиб, машҳур олим Фазлуллоҳ Абуллайсий мадрасасида таҳсил олади. Самарқанд Навоийнинг билими ва ижодий камолотида муҳим босқич бўлди. Айни чоғда Навоий Самарқанддаги маданий ҳаётнинг равнақи ва умуман Мовароуннаҳрда илм-фан, санъат ва адабиётнинг тараққийси учун катта ҳисса қўшди. Хуросон тахтига Ҳусайн Бойқаро чиққандан кейин 1469 йилнинг апрелида Навоий яна Ҳиротга қайтади.

Алишер Навоийдек обрўли ва тадбирли кишининг Ҳиротга келишидан мамнун бўлган Ҳусайн Бойқаро уни муҳрдор қилиб тайинлайди. Навоий Ҳусайн Бойқаро давлатини мустаҳкамлашда ва мамлакатни майда қисмларга бўлиб юборишга интилаётган шаҳзода ва амир-амалдорларга қарши курашда катта иш кўрсатди. Шаҳзода Ёдгор Муҳаммаднинг фитнасини фош қилиб, мамлакат ва халқнинг осойишталигини сақлашга бутун кучини сарф қилди. Солиқларни халқдан ортиқча олаётган баъзи амалдорлар, Навоийнинг талаби билан ишдан четлаштирилди. Бу эса Навоийнинг халқ орасидаги обрўини янада ошириб юб эрди.



Мухрдорлик вазифаси Навоийнинг ижодий ишлар билан кўпроқ шуғулланишига имкон бермас эди. Шунинг учун у бу вазифадан истеъфо берди. Бироқ орадан кўп вақт ўтмай, 1472 йилда Хусайн Бойқаро Навоийни амирлик (вазирлик) вазифасига тайинлади. Навоийни мансаб ва шон-шавкат эмас, балки эл-юрт учун хизмат қилиш қизиқтирар эди. Шунга кўра, у ички низоларнинг олдини олишга интилар, Хусайн Бойқаро ва унинг ўғиллари ўртасидаги адоватларни бартараф қилишга ҳаракат қилар эди. Айниқса, у ободончилик ва маданий ҳаёт соҳасида кўп хизматлар қилди.

Алишер Навоий ўз атрофига олимлар, ёзувчилар ва санъаткорларни жалб қилди, уларга ҳар томонлама ёрдам берди. Жумладан, машҳур тарихчи Хондамир, хаттот Султон Али, рассом Беҳзод ва бошқалар бевосита Навоий ҳомийлигида камолга етган эдилар.

Шунинг учун ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома"да: "Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаски, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай", - деган эди.

Навоий-вазирлик вақтида ҳам, ундан кейин ҳам ободончиликка катта аҳамият берди. У ўз маблағларини ҳам илм-маърифат ва ободончилик ишларига сарф этди. Навоийнинг ташаббуси билан жуда кўп ва хилма-хил бинолар қурилди, боғлар барпо этилди, ҳовуз ва ариқлар қазилди. Қўпинча иш бошида Навоийнинг ўзи бўлар, энг шимариб усталар билан бирга ишлар, меҳнат аҳлларини турли йўллар билан рағбатлантирар эди.

"Мунча бинойи ҳайрким ул қилди, - деб таъкидлайди Заҳириддин Бобур, - кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай".

Алишер Навоийнинг сиёсий фаолияти ва ободончилик соҳасидаги ишлари айрим сарой амалдорларининг кучли норозилигига сабаб бўлди. Улар Навоийга қарши бўҳтонлар ёғдирар, иғволар тўқир эдилар. Навоий ва-

зирлик мансабида туриши учун ортиқ шароит қолма-
гач, 1476 йилда бу лавозимидан истеъфога чиқади.

У қизғин ижодий ишга берилиб, ўзбек адабий тили-
ни тараққий эттириш, бу тилда катта бадий асар яра-
тиш, уларда мамлакат ва халқ манфаатларига қаратил-
ган энг муҳим масалаларни ёритиш вазифаларини ўз
олдига қўяди.

Навоий дастлаб лирик шеърлари билан кенг шуҳрат
қозона бошлайди. 1465–1466 йилларда Навоийнинг
китобхонлари унинг шеърларини тўплаб девон тузиш-
ган эди. Навоийнинг ўзи эса 1470 йилнинг бошларида
биринчи девони “Бадойи ул-бидоя” (“Бадийлик ибти-
доси”)ни тузди. 1476–1483 йиллар орасида иккинчи
девони “Наводир ун-ниҳоя” (“Беҳад нодирликлар”)ни
яратди.

Лирик турда катта тажриба орттириб, шуҳрат қо-
зонган Навоий энди ўзбек тилида йирик эпик асарлар
яратишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди ва “Хамса” яра-
тишга киришади. Низомий, Хусрав Деҳлавий ва бошқа
шоирларнинг “Хамса”си ёки “Хамса” типига яратилган
алоҳида дostonларни, халқ оғзаки ижоди ҳамда тарих
асарларини мукаммал ўрганиб чиқади. 1483 йилда “Хам-
са”нинг биринчи дostonи “Ҳайрат ул-аброр” (“Яхши ки-
шиларнинг ҳайратланиши”), 1484 йилда “Фарҳод ва Ши-
рин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” (“Етти сайёра”)
ва 1485 йилда “Садди Искандарий” (“Искандар девори”)
дostonларини ёзди. Навоий “Хамса”си ўзбек мумтоз ада-
биётида жуда катта воқеа бўлиши билан бирга, жаҳон
адабиётининг энг буюк обидаларидан бири бўлди.

*Умрни зойеъ этма, меҳнат қил,
Меҳнатни саодатинг калиди бил, -*

шиорини майдонга ташлаган Алишер Навоий ўз
вақти ва имкониятларидан ниҳоятда смарали фойда-

ланди. "Хамса"дан кейин яна кўпгина бадий ва илмий асарлар яратиб, санъат ва адабиётнинг, илм-фаннинг тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Навоийнинг ободончилик соҳасидаги ишлари, бадий ижодиёти, ёш олим ва санъаткорларга самимий ёрдами, халқнинг арз-додига қулоқ солиши унинг обрўйини ва шуҳратини оширмоқда эди. Бу ҳол Навоийнинг душманларини, хусусан, вазир Мажидиддинни тобора тинчсизлантирмоқда эди. Ҳусайн Бойқаро Навоийни Астрободга ҳоким қилиб тайинлади. Бу билан у, биринчидан, Навоий душманларининг талабини қондирди – уни пойтахтдан йироқлаштирди, иккинчидан, Навоийнинг обрўи ва тадбиркорлигидан фойдаланиб, мамлакатнинг муҳим чегара вилояти бўлган Астрободда ўз ҳокимиятини мустаҳкамламоқчи бўлди.

Навоий 1487 йилда Астрободга жўнади ва у ерда давлат-идора ишларида бирмунча тартиб ўрнатди. Халқдан ошиқча солиқлар ундираётган амалдорларни ишдан бўшатди. Астрободнинг ободончилигига катта аҳамият беради, у ердаги олимлар, санъаткорлар ва шоирлар билан яқин алоқа боғлайди, уларнинг ижодий ишларига ёрдам беради, раҳбарлик қилади.

Навоий Ҳусайн Бойқарони адолатли ва маърифатли ҳукмдорга айлантириш ниятидан ҳали ҳам воз кечмаган эди. Астрободдан Ҳусайн Бойқаро ва бошқа амалдорларга ёзган мактубларида уларни инсоф ва адолатга чақирар, давлат идора усулида мустаҳкам тартиб ўрнатиш ва айрим ислохотлар ўтказишга ундар эди: подшо ва амалдорлар эл-юртнинг арз-ҳолини тинглаб, тезда тадбирлар кўришса; шаробхона, қиморхона каби жойлар беркитилса; саройда майхўрлик ман этилса; бозор нарх-наволари, тарози-тошлари қаттиқ назорат қилинса; маҳаллаларда мактаблар очилса ва бошқалар. Бироқ Навоийнинг орзу-истаклари амалга ошмади. Бунинг устига Навоийнинг душманлари Астрободга жосуслар

юбориб, уни заҳарлаб ўлдирмоқчи ҳам бўлдилар. Пойтахтдаги бемаъни ишлар, жанжаллар эл-юртнинг осойишталиги ва ободончилик ишларига катта шикаст етказиб, Навоийни қаттиқ-безовта қилади. У ғазалларидан бирида бундай дейди:

*Кўнгул мулкин истар обод-у бузар хайли фироқ,
То Навоий азми мулки Астробод айлади.*

Навоий Ҳиротга қайтишни илтимос қилиб Ҳусайн Бойқарога мактублар юборди, бироқ Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг талабини оқибатсиз қолдирди. Навоий ўз ўрнига Амир Бадриддинни қолдириб Ҳиротга қайтди, лекин эртасигаёқ Ҳусайн Бойқаро уни Астрободга жўнатди. Навоий яна бир неча ой Астрободда туради, ниҳоят жосуслар фитнаси фош бўлгандан кейин Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Ҳиротга қайтишига рухсат беради.

Ҳиротга қайтиб келгандан кейин Навоий саройда бирор расмий мансабга эга бўлишни истамади. Лекин, шунга қарамай, у давлат идора ишларида қатнашди, кучайиб кетаётган тож-тахт талашларини, шоҳ ва шахзодалар ўртасидаги низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга интилди. Бироқ Навоий Ҳусайн Бойқаро давлатини таназзулдан сақлаб қололмади. Ҳодисалар бу давлатни ҳалокатга судраётган эди. Бунинг устига Навоий учун бирин-кетин мусибатли воқеалар рўй берди. 1492 йилда Абдурахмон Жомий вафот этди. Мажидиддиннинг иғвоси туфайли Навоийнинг иниси Дарвеш Али (У ҳоким номидан Балхни бошқарар эди) ҳибс этилади. Ҳусайн Бойқаро Мажидиддин ўрнига тайинланган Низомулмулк ва хотини Хадичабегим фитнасига ишониб, набираси Мўмин Мирзони қатл этишга буйруқ беради. Бу ҳол Ҳусайн Бойқаро билан унинг ўғли Бадиуззамон ўртасидаги низо-адоватни ниҳоятда кескинлаштиради. 1499 йилда сарой иғвогарларига ишониб, Ҳусайн Бой-

қаро Навоийнинг қариндоши ва шогирди Мирзоҳайдар Сабухийни ўлдиртиради. Бу воқеаларнинг ҳаммаси Навоийни руҳан азоблар ва сихатига ёмон таъсир қилар эди. Бироқ, шунга қарамай, у кенг кўламда қизғин ижодий иш билан шуғулланди, ўз олдига қўйган ижодий режаларини амалга ошира бошлади.

1488–1501 йиллар орасида Навоий бир қанча илмий ва бадий асарлар яратди: тарихий манбалар ва “Шоҳнома” каби бадий асарлар асосида “Тарихи мулуки Ажам” (“Ажам подшолари тарихи”)ни, 1490 йилда шоир ва маърифатпарвар Сайид Ҳасан Ардашер ҳақида “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” биографик-бадий асарини, 1491 йилда муаммо жанри ҳақида “Рисолаи муаммо”ни ёзади. 1491 йилда 400дан ошиқ XV аср шоирлари ҳақида маълумот бериб, асарларидан намуналар келтирган “Мажolis ун-нафоис” (“Гўзал мажлислар”) тазкирасини яратишга киришади, 1492–1494 йиллар орасида устози ва дўсти, улуғ тожик шоири ва мутафаккири Абдурахмон Жомий ҳақида “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” (“Беш ҳайрат”) асарини яратди, шу йиллари Ҳусайн Бойқаро ва бошқаларга ёзган мактубларини жам этиб “Муншаот” (“Мактублар”) ни тузди, аруз назарияси ҳақида “Мезон ул-авзон” (“Вазнлар ўлчови”) асарини, маърифатпарвар ва шоир Паҳлавон Муҳаммад ҳақида “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” биографик-бадий асарини, 1496 йилда тасаввуф ва сўфилар ҳақида “Насоим ул-муҳаббат”, (“Муҳаббат шабадалари”) рисоласини битади. 1491–1498 йиллар орасида ўзбек тилидаги аввалги икки шеърлар девони билан кейинги ёзилган шеърларини қўшиб, тўрт девондан иборат, машҳур “Ҳазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) куллийетини, шу йилларда форс-тожик тилида ёзган шеърларини йиғиб “Девони Фоний”ни тузади. 1499 йилда “Лисон ут-тайр” фалсафий дostonини, ўша йили машҳур лингвистик асари “Муҳокамат ул-луғатайн” (“Икки тил муҳокамаси”)ни

яратди, 1500 йилда сўнгги йирик фалсафий-таълимий китоби "Маҳбуб ул-қулуб" ("Кўнгилларни севгани")ни ёзади. Булардан ташқари, Навоий ўз даврининг иқтисодий-ижтимоий тузуми ва ўз мулклари ҳақида "Вақфия" (1482-йил), диний ва ахлоқий масалаларга доир "Назм ул-жавоҳир" ("Гавҳарлар тизмаси", 1485-йил), "Тарихи анбиё ва ҳукамо" ("Анбиёлар ва ҳакимлар тарихи"), "Сирож ул-муслимин" ("Муслмонлик нури", 1488-йил), "Рисолаи тир андохтан" ("Ўқ ёй отиш рисоласи") ва бошқа асарларини яратади. Бу асарларнинг деярли ҳаммаси бизга қадар сақланиб қолган.

"Алишербек, – деб таъкидлайди Заҳириддин Бобур, – назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтиб-турлар, ҳеч ким онча кўп ва ҳўб айтқон эмас". Бошқа замондошлари, чунончи Жомий, Хондамир, Давлатшоҳ ва Восифийлар ҳам Навоий ижодига юксак баҳо берганлар.

Навоий қизғин ижодий иш билан банд эди. Шаҳзодаларнинг ўзаро тож-тахт талашлари қаттиқ ташвишга солмоқда эди. Хусайн Бойқаро 1500 йилнинг ёзида исён кўтарган ўғли Муҳаммад Хусайнга қарши қўшин тортади. Жангда ғалаба қозонган Хусайн Бойқаро ўғли билан ярашиб, 28 декабрда Ҳиротга кириб келади. Навоий бевосита қарамай, шоҳнинг истиқболига чиқади. 1501 йилнинг 3 январиди Алишер Навоий вафот этади. Бутун Ҳирот ва атроф жойлар қаттиқ мотам тутди. Мусибатли хабар тезда Хуросон, Мовароуннаҳр ва бошқа жойларга бориб этади. Кўп шоирлар, тарихчилар Навоий хотирасига бағишлаб асарлар ёздилар. Чунончи, Хондамир бир қитъасида шундай деган эди:

*Ўлимадан ҳар бир уйга тушди мотам,
Мамлакатнинг ҳар бурчидан чиқди фиғон.
Темир юрак, тош юракли кишилар ҳам,
Бу даҳшатли мусибатдан ютдилар қон.*

Навоийнинг вафоти жаҳон маданияти, адабиёти учун жуда катта йўқотиш бўлди.

УЛУҒ ШОИР, ОЛИМ ВА МУТАФАККИР

Алишер Навоий мислсиз улуғ шоир, олим ва мутафаккирдир. У қирққа яқин бадий ва илмий асарлар, ахлоққа доир рисоалар яратиб қолдирди.

Навоий лирик шоир ва дostonнависдир. У ўзбек ва форс-тожик тилидаги нодир асарлари билан ўзбек мумтоз адабиётини юксак тараққиёт босқичига олиб чиқди, форс-тожик шеъриятига бебаҳо дурлар қўшди. Шу билан бирга, Навоий истеъдодли адиб – бадий насрнинг комил намоёндасидир.

Алишер Навоий яратиб қолдирган адабий мероснинг катта қисми лирикадир. У Саъдий, Ҳофиз, Хусрав Деҳлавий каби машҳур Шарқ шоирларининг, Хоразмий, Сайфи Саройи, Отоий, Саккокий, Лутфий каби ўзбек дунёвий адабиёти намоёндаларининг энг яхши адабий анъаналарини давом эттирди ва ривожлантирди. Халқ поэтик ижодиётининг ғоявий-бадий бойликларидан унумли фойдаланди. Бадий адабиётнинг жамият эҳтиёжларига хизмат қилиши учун курашган Навоий лирикасининг мавзуси, ғоявий мотивлари ва образлари системасини бойитди, такомиллаштирди. Ҳассос шоир лирик турнинг хилма-хил жанрларида ёзилган шеърларида инсоннинг мураккаб ҳис-туйғуси ва руҳий кечинмаларини, унинг шуури ва орзу-интилишларини, ҳаёт ва табиат лавҳаларини ғоят юксак санъаткорлик маҳорати билан бадий мужассамлантирди. Ўзбек лирикасини янги тараққиёт поғонасига кўтарган Навоий озарбайжон, тожик, туркман, турк ва бошқа халқлар лирик поэзиясининг тараққиётига ҳам самарали таъсир этди. Навоий шеърларига назира битиш, мухаммас боғлаш адабий анъанага айланди. Унинг кўпгина шеърлари шу



Abdulla Qodiriy nomidagi

viloyat AKM

INV № 164959-20196

кунга қадар халқ куйлари ва мумтоз мақомларга жўр бўлиб келмоқда, бастакорлар Навоий шеърларига янги куйлар басталамоқдалар.

Алишер Навоий ёшлигидаёқ, лирик ижодиёт-билан шуғуллана бошлаган эди. Дастлаб бошқа шоирларнинг асарларига тақлид қилиб, машқ тарзида лирик мисралар битган Навоий кўп ўтмай мустақил суратда қалам тебратга бошлади. Унинг ҳаёт воқеалари ҳақидаги таассуротлари, ҳис-туйғуси, фикр-ўйи, завқи ва диди лирик мисраларда ифодаланди ва ёш шоир халқ орасида шуҳрат қозона бошлади. Бу ҳақда унинг ўзи "Бадойи ул-бидоя" девонининг "Дебача" сида:

*Кўнглумда не маъни ўлса эрди пайдо,
Тил айлар эди назм либосида адо.
Ул назмға жонин қилибон халқ фидо,
Солурлар эди гунбази гардунға садо, —*

дейди.

Ижодини лирикадан бошлаган Навоий қарилик айёмига қадар бу адабий турдан йироқлашмади. У достонлар, адабий-биографик ёки илмий асарлар яратиш билан банд бўлган чоғларида ҳам лирик тур билан шуғулланар, янги-янги шеърлар битар эди. Ўзининг таъкидлашича, у ўрта ёшлик ва қарилик палласида янада унумлироқ ижод этиб, бу турда кўпроқ асарлар яратар эди.

Навоий жуда катта бой лирик хазина яратиб қолдирди. Бу хазинанинг асосини 45 минг мисрага яқин ўзбек тилидаги шеърларни ўз ичига олган "Ҳазойин ул-маоний" ва 12 минг мисрадан зиёдроқ форс-тожик тилидаги шеърлар куллийети "Девони Фоний" ташкил этади.

Навоий девонлари, унинг бошқа асарлари каби адабиёт, санъат ва илм-фан аҳлларининг диққат-эътиборини тезда ўзига жалб қилди. Китоъхонлар орасида

.....».....
шуҳрат қозонди. Тарихий манбалар Навоий девонларининг XV асрдаёқ Мовароуннаҳр ва Хуросондагина эмас, балки Эрон, Озарбайжон, Синьцзян, Ҳиндистон, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатларда ҳам кенг тарқалганлигини, кейинчалик эса Европа ва Америка қутубхоналари фондига ҳам кириб борганини кўрсатади.

Навоий девонлари XV асрда Султон Али Машҳадий, Абдужамил Котиб, Дарвеш Муҳаммад Тоқий, Муҳаммад бин Нур, Султон Муҳаммад Хандон каби машҳур хаттотлар томонидан қайта-қайта кўчирилгани, лаввоҳ ва мусаввирлар томонидан безатилгани каби кейинги асрларда ҳам машҳур хаттотлар томонидан қайта-қайтадан кўчирилади, юзлаб янги нусхалари вужудга келади. Шу билан бирга, Навоий девонлари тошбосмаҳона ва босмаҳоналарда ҳам кўп марта нашр этилган.

Алишер Навоийнинг лирик поэзия тараққиётидаги улкан хизмати шундаки, у лириканинг тор мавзу доирасини ёриб чиқиб, ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил масалаларини шеърларига мавзу қилиб олди, лирик шеърининг ғоявий мотивларини фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалалар билан бойитди, такомиллаштирди. Шунинг учун ҳам шоир лирик девонлар қуллиётини “Ҳазоӣйн уӯл-маӯний” – “Маънолар хазинаси” деб атади.

Севги ва садоқат, висол иштиёқи ва ҳижрон изтироби, вафо ва дўстлик, шафқат ва марҳамат, ватанга ва халққа муҳаббат, инсонпарварлик ва халқлар дўстлиги, инсоф ва адолат, меҳнат ва маърифат, одоб ва тавозеъ, қиммат ва саховат, ҳалоллик ва тўғрилиқ, шодлик ва табиат кўрки, шу билан бирга, зулм-истибдоддан нолиш, адолатсизлик ва инсофсизликни қоралаш, разолат ва жаҳолатни фош этиш Навоий лирикасидаги масалалар силсиласини ташкил этади. Бу масалалар талқинида улуғ шоир ва мутафаккир Навоий баъзан зиддиятларга йўлиқади, айрим муаммолар олдида лол қолади. Лекин,

шунга қарамай, инсонпарварлик ва халқпарварлик, инсоннинг бахт-саодати учун кураш ва унинг куч-қудратига, ақл-заковатига ишонч лирикасида асосий ва етакчи бўлиб, айрим зиддиятларни енгиб боради.

Навоийнинг лирик қаҳрамони XV асрнинг улуғ мутафаккир шоири, файласуфи ва мураббийси сифатида ўзининг илғор фикр-қарашлари, орзу-идеаллари, шодлиги, табассуми, сукунати, ҳаяжони, алам-изтироби, қаҳр-ғазаби билан гавдаланади, ўрта аср зулмати жаҳолатига қарши инсонпарварлик ва маърифат нури таратган улуғ сиймо бўлиб мужассамланади.

Навоийнинг лирик қаҳрамони айнаи чоғда ошиқ ва ринд ҳамдир. Бироқ бу лирик қаҳрамон ҳар қачон ҳам ўз кечмиш таассуротлари, ҳис-туйғулари ва тилакларини бевосита ифодалайвермайди, балки кўпинча шоирнинг қалби, руҳи ва ҳис-туйғусини ифодалаш учун бир восита бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, мутафаккир, файласуф ва мураббий лирик қаҳрамон бевосита Навоийнинг ўзидир, деб ҳукм чиқарганимиз ҳолда, ошиқ ва ринд лирик қаҳрамон ҳақида бундай ҳукм чиқара олмаймиз.

Навоий лирикасида мутафаккир, файласуф, мураббий, ошиқ ва ринд образлари билан бирга ёр, рақиб, шайх, зоҳид, воиз, подшо каби лирик образлар ҳам бор. Булардан рақиб, айрим шайх, зоҳид ва золим подшо образларида лиризм кўпинча юмор ва сатира билан қўшилиб, чатишиб кетади.

Навоий лирикаси ҳаёт таронаси ва инсон мадҳиясидир. Навоий ҳаётни севади, инсонни шарафлайди ва улуғлайди. Зероки, оламнинг олам бўлиши ҳам, асосан, ҳаёт гули бўлган инсон учундир:

*Оламу одам фидонг ўлсинки борсен, эй ҳабиб,
Сен ғараз инсондин, ар оламдин инсондур ғараз.*

.....—❧—❧—❧—❧—❧—❧—.....

Ҳаётнинг мезони инсоннинг фаолияти, хатти-ҳаракати, сифати ва фазилатидир. Инсон ҳаётини ўзи учун ҳам, бутун жамият учун ҳам фойдали бўлган хизматга бағишлаши, касб-ҳунар ўрганиши, маърифатли бўлиши, яхши фазилатларни эгаллаши керак:

*Камол эт касбким, олам уйчдин
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайни
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Инсон дунёдан ўтиб кетади, лекин эл-юртга яхшилик қилган комил кишининг номи боқий бўлиб қолади:

*Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.*

Мутафаккир ва мураббий шоир кишиларни тўғри, ҳалол, ростгўй, саховатли, ҳимматли, марҳаматли, оқил ва одобли бўлишга чақиради. Ёмон хислат ва одатларни қоралайди. Навоий кишиларга уларнинг жинси ёки ирқи, элати ва диний эътиқодига қараб эмас, балки инсоний сифатларига-қараб баҳо беради. Хотин-қизларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади, уларни инсон, она, рафиқа сифатида улуғлайди. Қитъаларидан бирида:

*Яхши хотинлар сафойи зуҳдидин,
Олам ичра гар ёруғлуқ бўлса фош
Йўқ ажаб, чунким араб алфозида
Истилоҳ ичра муаннасдур қуёш, —*

деб хотин-қизларни қуёш билан тенглаштиради (араб тилида қуёш – шамс сўзи хотин жинси турига киради). Бошқа бир қитъасида эса ақли расо ва

одобли хотинларни ёмон эркаклардан устун ва афзал қўйиб:

*Юз туман нопок эрдин яхшироқ,
Пок хотинлар оёғининг ўзи, –*

дейди. Достонларида эса ажойиб хотин-қизлар образини яратади.

Навоий турли ирқ ва диний эътиқодга мансуб бўлган халқларни севди, ҳурмат қилди, асарлари қаҳрамонларини турли ўлка ва халқларнинг фарзандлари сифатида тасвирлади. Чунончи, унинг лирикасида шундай сатрларни ўқиймиз:

*Кўнгилни олса малоҳат била тафовут йўқ,
Хитойи ўлсину ё армани ва ё ҳинду.*

*Хусн чун жилва қилур, оқу қарода йўқ фарқ,
Кишига келса балол¹ – хоҳи хито ва ё ҳабаш.*

*Мен тилаб хусн, вале шоҳ тилаб аслу насаб
Менга лўли била ҳинду, анга қўнғироту қиёт.*

Навоий севги ва шодликнинг оташин ва жўшқин куйчисидир. Севги Навоий лирикасининг, хусусан ғазалларининг етакчи тимсолидир.

У:

Эй Навоий, ишқ атворини ҳифз айлай деган,

Барча ишни тарк этиб, қилсун бизинг девонни ҳифз, – дейишга тўла ҳақли эди, чунки унинг кўпчилик шеърлари севгига, севгининг моҳияти ва хосияти, ошиқ ва маъшуқа образлари, висол шавқи ва ҳижрон алами тасвирига бағишлангандир. Айни чоғда, Навоийнинг севги лирикаси ошиқ ва маъшуқанинг ишқий кайфиятлари

¹ Бало – бу ўринда ишқ туғғени маъносидадир.



даражасидан юқори кўтарилиб, кенг ижтимоий-фалсафий моҳият касб этади. У севги мавзуси орқали ҳаётга, инсонга муҳаббатни куйлайди, яшаган муҳитининг айрим иллатларини фош этади, олижаноб инсоний фазилатларни тарғиб қилади.

Навоий куйлаган севги инсоннинг инсонга бўлган севгисидир. Бу севги мутасаввифларнинг ишқи илоҳийсига, ҳаётдан воз кечиб, инсондан юз ўгириб, хурлар ҳаёлига оғишта бўлишига тамомила қарама-қаршидир. Навоий “Кимки инсондир онинг маҳбуби ҳам инсон керак”.

*“Қилғай инсоният, арк ўз мардумиға тутса унс,
Эй Навоий, яхшидур инсонға инсондин анис”*

*“Эй кўнгил, ҳуру пари васфин эшиттим гўйиё
Ҳеч қайси одамилиғда эмас инсонча ҳўб”, –*

деган эди.

Бинобарин, у зоҳидга қарата:

*Зоҳид, сенга ҳуру менга жонона керак.
Жаннат-сенга бўлсин, менга майхона керак, –*

дейди. Навоий севги мавзуи билан инсонни, хусусан, ҳақ-ҳуқуқи поймол этилган хотин-қизларни эъзозлайди, уларни таъриф-тавсиф этади.

Севги инсоннинг табиий хосиятидир. У инсон ҳаётининг мазмунини бойитади, унга кўрк беради. Севги кишини камолотга етказади. Севгисиз ҳаёт файзсиз ва нурсиздир. Шунга кўра шоир:

*Хизр умрию Скандар мулки топқон ёрсиз.
Оби ҳайвон ичса заҳри бегумондур ким ичар.*

*Хуштутур жону жаҳон жонон била, жонон агар
Бўлмас, жон ўйлаким ўлмас, жаҳон зиндон эрур, –*

дейди.

Севги инсоннинг энг-яхши сифат ва фазилати. Вафо, садоқат, дўстлик, ҳамдамлик, мушфиқлик, тўғрилиқ, ҳалимлик ва ҳалоллик эса унинг шарти ҳамда бурчидир:

**Ёр улдурким тили, кўнгли онинг бўлса бир,
Ким тили ўзгаю кўнгли ўзга, ул ёр эмас.**

Севгини зур ва зар билан қўлга киритиб бўлмайди. Севги йўлида шоҳ ҳам, гадо ҳам тенгдир, балки гадо аълорокдур:

*Ишқ аро шоҳу гадо тенгдур, гадо балки фузун,
Гар гадолиғ айлар ўлса ишқнинг яғмосидин.*

Навоийнинг лирик қаҳрамони самимий ошиқдир. Унинг севгиси пок ва мусаффодир. У севгига бир ҳою ҳавас деб эмас, балки инсон ҳаётининг ажралмас йўлдоши, қалб ва ироданинг амри, шарафли ва масъулиятли бурчи деб қарайди. Севги инсон учун катта синов ва имтиҳон ҳамдир. Навоийнинг лирик қаҳрамони севги синовига бардош берган иродали ва матонатли ошиқдир.

Ҳаёти муҳаббат ва шодлик, қувноқлик кайфиятлари май мавзуси ва ринд образида ҳам кенг ифодаланган. Навоий, худди Умар Хайём, Ҳофиз Шерозий ва бошқа шоирлар каби майни шодлик ва қувноқлик рамзи сифатида қўллайди. Кўпинча “дайр пири” (“Майхона бошлиғи”) сифатида тасвирланган ринд ҳаётни севади, инсонни қадрлайди, шодлик ва қувноқликни тарғиб қилади. Шу билан бирга у золим ва мунофиқ кишиларни дадиллик билан фош этади. Бинобарин, Навоий риндни ҳурмат қилади, уни шайх образига қарама-қарши қилиб қўяди:

.....»«.....

*Хизмат эттим хонақоҳ шайхига, қадрим билмади,
Дайр пири бандаси менким эрур бас ҳақишунос.*

Алишер Навоий ҳаётнинг гўзал, инсоннинг бахт-содатли бўлишини, халқнинг осойишта ва фаровон яшашини орзу қилар эди. Навоийнинг орзу-истаклари реал ҳаёт билан, муҳит билан тўқнаш келади, шунинг оқибатида шоир қувноқликдан сукутга, табассумдан қаҳр-ғазабга, танқидга ўтади, унинг ижодида шодлик тароналари ўрнини ғазаб ва нафрат, ҳасрат ва надомат мотивлари эгаллайди.

*Эй Навоий, дардлиғ назмингни аҳли дард билур,
Дардсиз доғи бўлур они ўқуғоч аҳли дард, –*

деган шоир муҳити ҳақида дардли, аламли мисралар битади, зулм-адолатсизлик ва инсофсизликни, риёкорлик ва бадбинликни танқид қилувчи сатирик шеърлар майдонга келтиради.

Навоий лирикасида унинг шахсий ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган шикоят мотивлари ҳам бор. Бироқ Навоий лирикаси шахсий қайғу-алам, ҳасрат-надомат лирикаси эмас. Навоий лирикаси жуда кенг ва чуқур ижтимоий моҳиятга эгадир. Шоирнинг "менлиги" маҳдуд эмас, у доимо ўзини кўпнинг бири деб ҳисоблайди. Бинобарин, "мен" "биз"га ўтиб боради. Ўз муҳити ҳақида:

*Жаҳонким зоҳир айлар лолау боғ,
Эрур ул боғ зиндон, лоласи доғ, –*

деган шоир замон ва замон аҳли ҳақида дард-алам чекади:

*Менга ишқ дарди эмас муҳлик бас,
Замон дарди, аҳли замон дарди ҳамдир.*

Лирик қаҳрамон доимо халқ учун қайғуради, халқ манфаатини ўз шахсий манфаатидан юқори қўяди, халқнинг шодлиги билан шод бўлиб, қайғусидан изтироб чекади. Бинобарин, у:

*"Хушироқ эл бедодидин ўзумга бедод айласам",
"Юз жафо қилса менга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам", –*

дейди.

Мамлакат ва халқ аҳволини подшоларнинг фаолияти ва хатти-ҳаракатларига боғлаб, одил шоҳни орзу қилган, адолатни тарғиб этиб, шоҳларни адолатпарварликка чақирган шоир "Кўп тафовут келди золим шоҳдин одилғача" деб золим шоҳларни қаттиқ танқид остига олади, уларни эл-юртнинг хароб қилувчи, талон-торож этувчи кишилар сифатида айблайди:

*Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо,
Ки ўтлар сочар қаҳр ҳангомида.*

*Анинг коми бирла тирилмак эрур
Маош айламак аждаҳо комида.*

*Сен жафо қилғач кўнгул экон бирла тарким туттилар,
Бўлса шоҳ золим, эл ичра зулмға эрмиш ривож.*

Навоий "Шоҳнинг мунглуғ мушаввашлар била не нисбати" деб бошланувчи ғазалида эса халққа жабр-ситам қилган золим, шафқатсиз, худбин, ишратпараст подшоларнинг тавсифини беради, уларнинг портретини чизади.

Навоий айрим жоҳил ва мунофиқ шайхларга қарши мурасасиз кураш олиб боради, уларнинг кирдикорларини, феъл-атворларини шафқатсиз фош қилади, ли-

рик ифодадан юморга, юмордан сатирага ўтиб ҳажвий образлар яратади. Бу жиҳатдан Навоийнинг, айниқса, "Ул шайхки минбар уза афсунга берур тул", "Мени ишқдин ман этар сода шайх", "Неча ёлғон сўзу музхҳиқ ҳаракот, эй воиз" каби ҳажвий ғазаллари жуда характерлидир.

Мавзу ва мазмуни билан бениҳоя кенг ва юксак бўлган, умумбашарий ғояларни ҳормай-толмай куйлаган Навоий лирикаси санъат ва бадий маҳорат жиҳатидан ҳам бениҳоя юксакдир. Шакл ва мазмуннинг узвий бирлиги учун курашган Навоий ўз лирик шеърларининг мазмунига мос ва мувофиқ бадий шакл яратди. У лирик турнинг хилма-хил жанрларида шеърлар битди, бу жанрларнинг такомилига катта ҳисса қўшди, янги-янги образ ва характерлар, пейзаж ва портретлар яратди, инсоннинг мураккаб ҳис-туйғусини, руҳий кечинмаларини моҳирлик билан ифодалаб, турли-турли адабий усул ва бадий тил воситаларини қўллади, халқ оғзаки ижоди инжуларидан ижодий фойдаланди.

"Ҳазойин ул-маоний" жами 16 хил жанрда: ғазал, мустазод, мухаммас, мусаддас, мусамман, таржибанд, таркиббанд, маснавий, қасида, соқийнома, қитъа, рубоий, муаммо, чистон ва фард жанрларида ёзилган шеърларни ўз ичига олади.

Ғазал жанри сон ва салмоқ жиҳатидан ҳам Навоий лирикасининг етакчи жанри бўлиб, "Ҳазойин ул-маоний"нинг ҳар бир девонида 650 тадан, жами 2600 ғазал берилган. "Ғазалда уч киши тавридуру ул навъ" деб бошланувчи қитъасида Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдурахмон Жомийни ғазалнинг буюк устозлари деб таърифлаган Навоий ҳақли равишда:

*Навоий назмиға боқсанг эмастур,
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи, –*

.....
деб таъкидлаган ва ғазални ғоявий-бадий жихатдан юксалтиришда бу уч устоздан ҳам ўзиб кетган эди. Бошқа лирик жанрлар тараққиёти ва такомилида ҳам Навоий муҳим ўрин тутади.

Навоий лирикаси ҳаёт ва инсон ҳақидаги лирикадир. Шоир умуман мавзу ва ғоявий мақсаднинг қўйилиши жихатидангина эмас, балки барча образлар, лавҳалар, тасвир воситалари ва бошқалар билан ҳамлирик поэзияни ҳаётга, инсоннинг қалби ва ҳиссиётига янада яқинлаштирди. У бадий тасвирда болаларнинг ўйинидан шохларнинг сиёсатига қадар, оддий маиший ҳаёт деталларидан табиат ҳодисаларига қадар барчасига мурожат этади, янги образ ва лавҳалар яратади. Шу билан бирга, Навоий бир қатор анъанавий образларни қайта ишлаб, уларнинг асл моҳиятини кучайтиради, Хизр ва Масихга ўхшаш образлардан ижодий фойдаланиб, уларнинг асл моҳиятига зид бўлган янги образлар яратади. Шоир лирик ҳиссиётни тўлароқ ва мукамалроқ ифодалаш, асарнинг композиция изчиллигини, мантикий ва шеърий тафаккурнинг узвий бирлигини таъминлаш ва оригинал образлар яратишда тадриж, тазод, таносуб, лозим ва малзум, лаф ва нашр, ҳусни таълил, тажохули орифона каби турли адабий усуллардан, сифатлаш, оддий ўхшатиш ва кетма-кет ўхшатиш (ташбиҳи мусалсал), оддий муболаға ва ўта муболаға (ифрот), киноя, истиора ва бошқа бадий тил воситаларидан моҳирлик билан фойдаланади. У кўпинча бир эмас, бир неча санъат (адабий усул) ва бадий тил воситасини бир шеър, бир образ ва лавҳада мужассамлаштириб беради.

Мазмуни билан ҳам, бадий формаси билан ҳам ажойиб ва латиф шеърлар яратган шоир:

*Эй Навоий, олтуну шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориғ, яшил, -*

.....»»».....

деб фахрланишга тўла ҳақли эди.

Ўзбек тилидаги шеърлари каби Навоий форс тилидаги шеърлари билан ҳам юксак санъаткорлик маҳоратига эришди, форс-тожик мумтоз шеъриятининг буюк устозлари қаторидан ўрин олди. Унинг "Девони Фоний" куллиёти форс-тожик мумтоз шеъриятига нодир бир улуш бўлиб қўшилди. Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" да яратган асарларини таъриф ва тавсиф қилар экан, "Девони Фоний" ҳақида бундай деган эди: "Яна форсий ғазалиёт девони Хожа Ҳофиз тавридаким, жами суҳанадолар ва назм пийролар назарида мустаҳсан ва матбуъдир, тартиб берибменки, олти мингдин абёти адади кўпракдурким, кўпрак ул Ҳазрат (Ҳофиз – Н.М.) шеърига татаббуъ воқиъ бўлубдур...". Девон Навоий – Фонийнинг бутун умри давомида форс тилида яратган деярли барча шеърларининг куллиётидир. Бу куллиёт Абдурахмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий ва Хондамир каби XV аср маданиятининг йирик арбоблари томонидан юксак баҳоланди.

"Девони Фоний"даги шеърлар мавзу доираси, ғоявий-бадий қиммати, нафислиги ва тил бойлиги жиҳатидан Навоийнинг ўзбекча шеърлари куллиёти "Ҳазойин ул-маоний" қаторидан ўрин олади. Икки тилдаги шеърлар гўё бир-бирига эгизак, бир-бирига уйғун, бир-биридан гўзал шеърлардир. Бунини Навоийнинг ўзи таъкидлаб айтган эди:

*Маънийи ширину рангинам ба турки беҳад аст,
Форсий ҳам лаълу дурҳои самин чун бингари.
Гўйиё дар рост бозори суҳан бикуюдам,
Як тараф дўкони қаннодию як сў заргари.*

(Туркий тилда ранг-баранг ширин маъноли шеърларим беҳадду ҳисобдир, агар қарасанг, форсий шеърларим ҳам бебаҳо лаълу гавҳардир. Гўё сўз фозорида дўкон

очганман, бир томонда қандолат дўкони-ю, бир томонда заргарлик).

Алишер-Навоий-улкан лирик шоиргина бўлиб қолмай, балки шу билан бирга буюк эпик шоир – дoston-навис ҳамдир. Лирик шеърятда катта тажриба тўплаб, Мовароуннахр, Хуросон ва бошқа ўлкаларда кенг шуҳрат қозонган Навоий эпик асарлари билан янада мислсиз катта муваффақиятларга эришди. Унинг “Хамса”си жаҳон адабиётининг ўлмас обидаларидан бири бўлди, хамсачилик анъанасига янги ва улкан бир ҳодиса бўлиб қолди.

Хамсачилик Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётида узоқ ва мураккаб тарихга эга бўлган адабий анъана. Бу анъана улуғ озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавийнинг (1141–1203) адабий фаолияти билан бошланди. Низомийнинг “Хамса”си фақат озарбайжон адабиётидагина эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқ ўлкалари адабиётида ҳам янги боб очди. Низомийдан кейин “Хамса” яратиш кучли адабий анъанага айланди. “Хамса” яратиш учун беш дoston ёзишнинг ўзи кифоя эмас эди. Бу дostonлар номи, жанри, вазни, сюжети ва образлари билан Низомий дostonларига монанд бўлиши ва айни чоғда янги, оригинал “Хамса” бўлиши, бошқача айтганда, сўз санъати тараққиётида улкан бир қадам, янги поғона бўлиши керак эди. Бу жуда мураккаб ва талабчан анъана эди. Бинобарин, ўнлаб шоирлар “хамса” яратган бўлсалар ҳам, кўпчилиги Низомий билан ижодий олишувга бардош беролмади. Фақат уч шоир: форсигўй, улуғ ҳинд шоири Хусрав Деҳлавий (1253–1325), улуғ тожик шоири ва мутафаккири Абдурахмон Жомий (1414–1492) ва буюк Навоийгина Низомий қаторидан ўрин олишга мушарраф бўлдилар.

.....
Хамсачилик анъанаси XV асрда янада кенг тус олди. У алоҳида шоирлар учун ҳам, маълум халқлар ва даврлар адабиёти учун ҳам катта имтиҳон бўлди. Навоий “Мажолис ун-нафоис” да бир неча замондошларнинг “Хамса”га ёки унинг айрим дostonларига эргашиб асарлар яратганини айтади. Чунончи, Мавлоно Ашраф “Хамса” ёза бошлаган, лекин уни тугата олмаган; Али Оҳий “Хамса”га хос бир неча дoston битган; Мавлоно Котибий “Хамса”сини охирига етказа олмаган; Мавлоно Фасеҳ Румий Низомийнинг “Махзан ул-асрор”ига эргашиб дoston яратган; Хожа Ҳасан Ҳизршоҳ “Лайли ва Мажнун”га жавобан “Зайд ва Зайнаб” дostonини ёзган; Мавлоно Абдулла “Хамса”нинг “Лайли ва Мажнун”, “Хисрав ва Ширин” ва “Ҳафт пайкар”ига эргашиб дostonлар яратган ҳамда “Искандарнома”га жавобан “Зафарнома” ёзган; Хожа Имод “Лайли ва Мажнун” дostonини битган. Аммо бу шоирларнинг бирортаси мукаммал “Хамса” яратишга, Низомий ва Ҳусрав Деҳлавийларнинг қаторидан ўрин олишга муяссар бўла олмади. Лекин XV асрда бирданига икки буюк хамсанавис етишди. Булардан бири улуғ тожик шоири ва мутафаккири Абдурахмон Жомий бўлса, иккинчиси улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий эди.

XV аср ўзбек мумтоз адабиёти олдида бир қатор катта ва масъулиятли вазифаларни қўйди. Шулардан бири ўзбек тилида “Хамса” яратиш эди. Ўзбек китобхонларининг ўсиб бораётган эҳтиёжи, ўзбек адабий тили ва ўзбек адабиётининг тараққийси ҳамда истиқболи шуни талаб қилар эди. Бундай катта ва масъулиятли ишга фақат Навоийгина киришди. Навоий “Хамса”си уч юз йиллик тажриба ва анъанага эга бўлган хамсачилик тараққиётида янги йирик воқеа бўлди.

Навоий устоз хамсанависларнинг юксак санъаткорлигини эътироф қилади ва шарафлайди, уларнинг адабий тажрибасидан таълим олади. Дostonларининг

муқаддима қисмида Низомий ва Хусрав Деҳлавийга ҳамда ўзи билан деярли бир вақтда “Хамса” яратган Абдурахмон Жомийга бағишлаб махсус боблар ёзиб, уларни улуғлайди. У:

*Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,
Қўлдаса Хусрав била Жомий қўлум, -*

деб улардан мадад тилайди. Бироқ Навоий ҳеч қачон ҳамсанавис салафларининг дostonларини такрорлашга ёки уларга тобеларча тақлид қилишга интилмайдди. У ўз олдига янги ва оригинал “Хамса” яратиш вазифасини қўяди. Бунга Навоий бот-бот таъкидлайди. Жумладан, у “Фарҳод ва Ширин”нинг муқаддимасида бундай дейди:

*...Ани назм этки тарҳи тоза бўлғай,
Улусқа майли беандоза бўлғай.
Йўқ эрса назм қилғонни халойиқ,
Мукаррар айламак сендин не лойиқ?
Хуш эрмас эл сўнгинга рахш сурмак,
Йўликим, эл югурмиштур югурмак...*

Хамсанавис салафларининг ижодий ютуқларини эътироф қилган ва шарафлаган Навоий уларнинг дostonларидаги нуқсонларга бефарқ қарамайди. У салафларнинг жузъий камчиликларини эмас, балки жиддийроқ камчиликларини топади ва ҳолисона танқид қилади.

Навоий “Хамса”ни яратишда тарихий манбалардан, хусусан, халқ оғзаки ижоди бойликларидан, халқ афсоналари, эртаклари, қўшиқлари, мақол ва ҳикматли сўзлари ҳамда халқ асарларининг бадиий услубидан моҳирлик билан фойдаланди. Шоир “Фарҳод ва Ширин”да “Иқболи саодат” тилидаги ўзига хитоб қилиб айтган эди:

.....
...Агарчи назми дилкаш тушса масмуъ,
Анинг афсонаси ҳам бўлса матбуъ.
Бурун жамъ эт, неким бўлғай таворих,
Борида иста бу фархунда тарих,
Топпилғай шояд андоғ бир неча сўз,
Сўз айтур элга ул ён тушмагай кўз...

Навоий жуда оғир ва ўта масъулиятли ишга киришган эди. У Яқин ва Ўрта Шарқ ўлкаларида устоз сўз санъаткори сифатида шуҳрат топган Низомий ва Хусрав Деҳлавий билан ижодий баҳслашди. Бу жуда катта билим ва юксак адабий дидни, истеъдод ва қобилиятни талаб этар эди. Шунинг учун ҳам Навоий "Фарҳод ва Ширин"да

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ...
Керак шер оллида шеру жанги,
Агар шер ўлмаса, бори паланги, —

деди. У оғир ва масъулиятли бу вазифани шараф билан бажарди, адабиёт майдонида шер билан олишган шер бўлиб чиқди.

Навоий ҳамсанавис салафларига ижодий ёндашди, дostonларида яшаган тарихий шароитнинг муҳим масалаларини мавзу қилиб олди, эл-юрт учун муҳим аҳамиятга молик масалалар ҳақида фикр юритди, унинг ақл-заковати келажакка парвоз этиб, инсоннинг истиқболига катта умид билан боқди, ҳаёт ҳақиқатини романтик орзу-армонлари билан чатишди, қаҳрамонлари умумбашарий хислатлар билан камол топди, янги-янги ғоялар, сюжет ва композиция, образ ва характерлар яратди, бадий сўз такомилида янги боблар кашф этди, ўзбек адабий тили истиқболи учун кураш байроғини юксак кўтарди. Навоий "Ҳамса"сининг улуғворлиги, шон-шуҳрати ва оламшумуллиги ҳам шунда.

“Хамса”си ҳақида Навоий фахр билан қуйидаги мисраларни битишга тўла ҳақли эди:

*Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа,
Қадам Рум аҳлиға ҳам қилса ранжа;
Чекиб Хусрав доғи тиғи забонни,
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни.
Яна Жомий Ажамда урса навбат,
Арабда доғи чолса кўси шавкат.
Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур,
Олибмен тахти фармонимда осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон
Хуросон демаким, Шерозу Табреш,
Ки қилмишдур найи килким шакаррез.
Кўнгул бермиш сўзимга турк жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам...*

Навоий “Хамса”си XV асрдаги ўзининг атоқли сўз санъаткорларининг юксак баҳоси ва тақдирига сазовор бўлди. Жумладан, Абдурахмон Жомий “Хирадномаи Искандар” дostonининг хотимасида Навоийнинг “Хамса”си ҳақида бундай деган эди:

*...Бу бешларга аввал бошлаб уриб панжа,
Хуш хабарлар келтирганнинг юрти Ганжа;
Лекин туркий тилда келди бу нақш ажаб,
Бу сўз Даман жодусида боғлагай лаб.
Осмондин мақтов ёғсин у қаламга,
У қаламдин келди гўзал сўз оламга.
Кечирсинлар форсий тилда дур терганлар,
Дари тилда назм инжусин келтурганлар,
Агар ул ҳам назмин ёзса дари тилда,
Қолмас эди сўз айтишга куч ҳеч элда...*

----->>>-----

*Сўзамоллик майдонига сен сурдинг от,
Қайта бошдан сўзнинг юзи порлади бот.
Сенинг ақлу фикринг била сафо топди,
Эй Навоий, Лутфинг билан наво топди.*

Навоий "Хамса"сининг биринчи достони "Ҳайрат ул-аброр" фалсафий-таълимий дostonдир. Навоий бу достонида фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларини баён этиш, кишиларга таълим ва ўғит бериш мақсадини ўз олдига қўяди. Одатда бундай дostonда, кўпинча мавзу бирор воқеани ҳикоя қилиш асосида эмас, балки ёзувчи фикр-мулоҳазаларининг баёни асосида ёритилади. Бу ҳолат "Ҳайрат ул-аброр"нинг жанрига хос иккинчи хусусиятни вужудга келтиради: лирик ифодани, тавсиф ва таърифни асосий ва етакчи ифода усулга айлантиради. Дostonнинг композицияси шунга боғлиқ бўлиб, ҳар бир боб муайян бир масалага бағишланади. "Ҳайрат ул-аброр" 64 бобга бўлинган бўлиб, 20 боб мақолат ва унга илова қилинган 20 ҳикоя (ёки масал) дostonнинг асосий қисмини ташкил этади, қолган боблар муқаддима ва хотимадир.

Дoston бобларида қўйилган масалаларни шартли равишда уч туркумга ажратиш мумкин: 1. Фалсафий масалалар; 2. Ижтимоий-сиёсий масалалар; 3. Ахлоқий таълимий масалалар.

Объектив борлиқ ва илоҳиёт, инсон ва унинг ўзлиги, дин, тасаввуф ва бошқа масалалар Навоий фалсафий қарашлари доирасини ташкил этади.

Навоийнинг фалсафий қарашлари ниҳоятда мураккаб ва хийла зиддиятлидир. Навоий табиат ва жамият ҳодисаларини холисона мушоҳада этади. У инсонпарварлик, маърифатпарлик, халқпарварлик туйғулари билан яшаган муҳитининг фалсафий қарашлари савиясидан юқори кўтарилади, тараққийпарвар улуг мутафаккир сифатида гавдаланади.

.....—❧—❧—❧—❧—❧—❧—
Навоийнинг фикрича, инсон бутун борлиқнинг кўр-
ки ва шарафидир:

*Мунча ғаройибки мисол айладинг,
Барчани миръоти жамол айладинг.
Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди.
Конию ҳайвони, агар худ набот,
Ҳар бири бир гавҳари олий сифот.
Барчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни шариф айладинг.*

Инсоннинг бахт-саодати учун, унинг камолоти учун
кураш "Ҳайрат ул-аброр"нинг асосий етакчи ғоясидир.
Достондаги:

*"Одавий эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами", —*

байти Навоийнинг бутун фаолияти ва ижодиёти
учун етакчи бир шиор бўлиб қолади. Навоий инсонни
севади. У севган инсон меҳнаткаш, ижодкор, ўз касб-ко-
рини мукамал эгаллаган, меҳнати ва заковати, фао-
лияти ва интилишлари билан ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам
манфаат етказувчи инсондир. Навоий барча кишилар-
нинг ҳам ана шундай инсон бўлишини истайди. Бироқ
Навоий яшаган муҳит турли-туман зиддиятлар, ҳақсиз-
ликлар билан тўлиб-тошган эди. Шоир ҳақсизлик ва
жаҳолатга, худбинлик ва маишатпарастликка, хусумат
ва адоватга қарши ҳамла қилади, айрим золим подшо-
ларни, худбин амалдорларни, аччиқ танқид остига олиб,
эл-юрт, фақир-фуқаронинг аҳволига ачинади, уларнинг
фаровон ва бахтиёр бўлишини истайди. Навоий бундай
истак-орзуга кишиларнинг хулқ-атворини тарбиялаш
ва адолатли подшо бошлиқ марказлашган давлат вужу-

дга келтириш орқали эришиш мумкин деб ҳисоблайди. Навоийнинг айтишича, подшо ва унинг амир-амалдорлари икки турли: “яхши” (одил, ориф) ва “ёмон” (золим, жоҳил) бўлиши мумкин. Одил ва ориф подшоларни мақтаган, тўғрироғи, ўшандай кишиларни орзу қилган Навоий золим ва жоҳил подшоларни, амир-амалдорларни қаттиқ танқид қилади, қоралайди. Мамлакат ва халқнинг тақдирини уларнинг фаолияти ва хатти-ҳаракати оқибатига боғлайди:

*Шоҳи иши адл ила бунёд этар,
Адли бузуқ мулкни обод этар.
Кофири одил ани обод этиб,
Мўмини золим ани барбод этиб.*

Донишманд мураббий Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” нинг бир неча бобини бевосита ахлоқ-одоб ва таълим-тарбия масалаларига бағишлайди.

Навоий инсоннинг меҳнатга муҳаббат, ростгўйлик, садоқат, тўғрилик каби олижаноб хислатларини улуғлайди. У таъмагир, очкўз кишиларни фoš қилиб, меҳнат билан яшашнинг афзаллигини кўрсатмоқ учун саҳий Ҳотам-ҳақида-бир ҳикоя келтиради. Ҳикоятда ўтин терувчи камбағал бир чолнинг саҳий Ҳотамдан олиҳимматроқ эканлиги айтилади. Чол Ҳотамга:

*Сен доғи чеккил бу тикан меҳнатин,
Тортмағил Ҳотами Той миннатин
Бир дирам олмоқ, чекибон даст ранж,
Яхшироқ андинки, биров берса ганж, -*

дейди.

Навоий камтарлик, саховат, ҳиммат, марҳамат, садоқат, тўғрилик каби инсоний фазилатларни туйлай-

ди, худбинлик, бахиллик, шафқатсизлик, бевафолик ва эгрилик каби хислатларни қаттиқ қоралайди. У кишилар билан муносабат ҳақида ўғит бериб:

— Ҳар кишининг таврига лойиқ керак.

Сурати ҳолига мувофиқ керак.

Кимки улутроқ анга хизмат керак,

Улки кичикроқ анга шафқат керак, —

дейди. Шоир ёшларни ота-онанинг хизматини бажаришга, ота-онани ҳурмат қилишга чақиради, ота ва онанинг бирини ой, бирини қуёш деб ҳисоблайди.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг кўпгина байтлари чуқур мазмундорлиги ва бадий мукамаллиги билан ҳикматли сўзлар даражасига кўтарилган, айрим саҳифалар гўё бутунлай ҳикматли сўзлар тизмасидан вужудга келган. Навоийнинг ҳикматли сўзлари халқ мақолларига шунчалик ўхшашки, айрим мақоллар Навоийнинг ҳикматли сўзларига айланиб кетганидек, шубҳасиз, унинг айрим ҳикматли сўзлари халқ мақолларига айланиб кетган. Шу билан бирга, Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” дostonидаги “Ҳотами Той”, “Шер билан Дуррож”, “Искандар” каби ҳикоя ва масаллари бевосита халқ ижоди намуналари асосида пайдо бўлган. Бу ҳам Навоий ижодининг халқчиллигини яна бир бор равшан кўрсатади.

Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да қўйилган масалаларни “Хамса”нинг бошқа дostonларида кенг эпик шаклда ёритди, ажойиб қаҳрамонлар образлар жамланмасини яратди.

“Хамса”нинг иккинчи дostonи “Фарҳод ва Ширин” севги ва садоқат, меҳнат ва ижодкорлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик дostonидир. Олижаноб инсоний фазилатларни, умумбашарий орзу-интилишларни та-



раннум этган бу асар ўзбек классик адабиётининг янги ва улкан бир асари бўлиши билан бирга, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабий анъаналари тараққиётида ҳам янги ҳодиса, катта босқич бўлди. Навоий ҳамсачилик анъанасидан мустаҳкам ўрин олган “Хисрав ва Ширин” ўрнига янги мавзу ва муаммолар, янги мазмун ва ғоялар, янги образ ва характерларнинг бадий тажассуми бўлган “Фарҳод ва Ширин” достонини яратди.

Хисрав ва Ширин образлари маълум тарихий заминга эга. Улар ҳақида тарихий воқеа билан деярли бир вақтда кўпгина афсона ва ривоятлар пайдо бўла бошлаган эди. Ёзма адабиётда Абдулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва бошқалар Хисрав ва Ширин ҳақида дoston яратганлар. Навоий бу салафларни мақтайди, уларнинг санъаткорлигига юксак баҳо беради. Лекин, шу билан бирга, уларнинг асарларидаги камчиликларни холисона танқид қилади. Хусусан, Хисравнинг ижобий қаҳрамон сифатида таъриф ва тавсиф этилиши Навоийнинг қаттиқ эътирозини туғдиради. Унингча, ишқда беқарор, худбин ва маишатпараст Хисрав мақтовга сазовор эмас; Хисрав қилмишларига яраша жазоланиши керак, унинг тимсолида золим ва худбин подшолар шафқатсиз фош этилиши лозим; Хисрав ва Хисравларга қарши инсоннинг энг олий фазилатларини жам этган янги, комил кишилар образини, Хисравлар дунёсига қарши инсониятнинг асрий орзу-армонларини ифодалаган янги дунё яратиш керак. Шунинг учун ҳам Навоий тамомила янги дoston яратишга киришади. Навоий севги, садоқат, меҳнатсеварлик, ижодкорлик, дўстлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик ҳақидаги фикр-ўйлари ва орзу-интилишларини, хусусан, дostonнинг бош қаҳрамони Фарҳод образида мужассамлаштиради.

*Ёзиб жон мусҳафидин икки оят,
Дебон Фарҳоду Шириндин ҷикоят, –*

деган шоир ўз достонига “Фарҳод ва Ширин” номи-
ни беради.

Навоний достони деярли Фарҳоднинг туғилиши би-
лан бошланиб, унинг вафоти билан тугалланади. На-
воний Фарҳоднинг деярли бутун ҳаёти ва кураш йўл-
ларини ҳикоя қилади. Фарҳод гўдаклик чоғларидаёқ
ижобий хислатларга эга бўлади. У зўр ҳавас билан ўқий-
ди, жисмоний ва ҳарбий машқлар билан ҳам шуғулла-
ниб, чиниқади. У ўзининг заковат, куч-қувват ва маҳо-
рати билан кишиларни ҳайратда қолдиради. Шу билан
бирга, Фарҳод ниҳоятда камтар киши. Шаҳзодалик, ота-
сининг молу давлати, салтанати уни маҳдиё қилмайди.
У ўзини оддий кишиларнинг бири деб ҳисоблайди ва
мазлум халқни чин кўнгилдан севиб, уларнинг дардига
малҳам бўлишга интилади.

Устозларидан илм, Қорун ҳамда Монийлардан ҳунар
ўрганган Фарҳод илм ва ҳунарни ҳаёт билан боғлайди,
киши ўз илми ва ҳунарини омманинг манфаатига хиз-
мат эттириши лозим, деб ҳисоблайди. Ойнаи жаҳонда
Ширин тимсолини кўриб ошиқ бўлган Фарҳод уни из-
лаб, машаққатли кўп саргузаштлардан кейин Арманис-
тонга келади. У тоғда канал қазиш учун ниҳоятда қий-
налиб ишлаётган кишиларни кўрар экан,

*Ҳунарни асрабон неткумдур охир,
Олиб туфроққаму кетгумдур охир,—*

деб тоғ қазувчиларга бош бўлиб ишлайди, мўъжиза-
лар кўрсатади. Фарҳод бошчилигида қисқа бир муддат-
да катта ҳовуз қазилади, ариқ-канал очилади. Ариққа
“Наҳр ул-ҳаёт” (“Ҳаёт дарёси”) деб ном қўйилади:

*Ариққа қўйдилар “Наҳрул ҳаёт” исм,
Фалакваш ҳавзга “Баҳрун нажот” исм.*



Навоийнинг айтишича, сув – ҳаёт, нажот манбаидир. Шунинг учун ҳам ариқ ва ҳовузнинг тайёр бўлиши халқ байрами, халқ тантанасига айланди. Бу Навоийнинг орзу-идеали эди, у қачон бўлмасин халқнинг сувга маъмур бўлишига ишонар эди.

Фарҳоднинг меҳнат ва ижодкорликда эришган муваффақиятларининг асосий сабаби унинг илми, ақли ва иродасидир. Фарҳод:

*Деди: Ҳар ишки қилмиш одамзод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.
Улум ичра манго то бўлди мадҳал,
Топилмас мушқуле мен қилмаган ҳал.*

Фарҳод юрт ободонлиги, эл фаровонлиги учун курашади. У Ширинни севиш билан бирга, Шириннинг юрти ва элини ҳам севади. Арманистонни золим Хисравнинг ҳужумидан мардларча ҳимоя қилади. Душман Фарҳодни куч билан енголмай, уни ҳийла билан асир қилади. У иродаси ва ақл-заковати билан Хисравни маънавий мағлуб этади. Фарҳод ўз юртидан узоқда, душманнинг макр ва ҳийла тузоғида ҳалок бўлади. Лекин у охирги нафасигача ҳам адолатнинг тантанасига ишонади. У дўстлари билан ғойибона хайрлашар экан, уларга Хисравни ёнгиб, адолат ўрнатишни васият қилади. Дарҳақиқат, Фарҳоднинг кўкалдоши Баҳром, дўсти Шопур Арманистонда осойишталик ва адолат ўрнатадилар.

Навоий Фарҳод образини ҳаётий ва романтик деталлар билан бойитди, такомиллаштирди. У жамиятда Фарҳодни ва фарҳоддек кишиларни кўришни орзу қилади, шундай кишиларнинг қачон бўлмасин етишишига комил ишонч билан қарайди. Фарҳод жаҳон адабиётидаги умумбашарий хислатларни жам этган энг комил образлардан биридир.

.....>>><<<.....

Навоий хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, ўз фазилатлари билан Фарҳоддан қолишмайдиган ифбатли, иродали, оқила Ширинни, адолатли давлат бошлиғи Меҳинбону ва унинг тарбиясида камол топган, илм-фан, санъат ва ҳунарда шуҳрат топган ўн диловар қиз образларини яратади. Бу аёлларнинг биринчи ва етакчи хислати одамийлик, ҳақиқий инсон бўлишдир. Золим Хисравнинг "ошиқона" таклифини қатъият билан рад этган Ширин:

*Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур, —*

деган эди.

"Фарҳод ва Ширин"да яхшилик билан ёмонлик, маърифат ва жаҳолат, қаҳрамонлик ва мунофиқлик, адолат ва разолат ўртасида узлуксиз кураш боради. Яхшиликни Фарҳод, Ширин, Меҳинбону ва Шопур каби образлар сиймосида мужассамлаштирган Навоий Хисрав, Шеруя, Бузургуммид ва бошқа салбий образлар орқали инсон учун, инсоният учун офат келтирувчи ёвуз кучларни тасвирлайди. Булар ҳар қандай яхшилик, чин инсоний фазилат ва улуғ мақсадларнинг ашаддий душмани, ўз шахсий манфаати йўлида ҳеч қандай қабоҳат ва разолатдан қайтмайдиган кишилардир. Навоий бу образлар воситасида ўз давридаги айрим зодагон бойларнинг хатти-ҳаракатларини, зулм-зўравонликларини кўрсатади, ўзаро урушларни, шахзодаларнинг тож-тахт талашларини қаттиқ танқид қилади.

* * *

Халқ афсоналари асосида яратилган "Лайли ва Мажнун" достонида Навоий зодагонларнинг ўзаро муносабатларнинг тазйиқи натижасида бир-бирига етиша олмай ҳалок бўлган Лайли ва Мажнун-

нинг мусибатли саргузашти ва фожиасини ҳикоя қилади.

Ўша даврдаги муҳит инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини топтаган, даҳшатли қонун-қоида ва урф-одатларни жорий қилган эди. Кишилар инсоний сифат ва хислатлари билан эмас, балки насл-насаби, мол-мулки ва ва мансаби билан баҳоланар эди. Айниқса, хотин-қизларнинг тақдири борасида никоҳ никоҳга кирувчиларнинг хоҳиши билан эмас, ота-оналарининг амр-иродаси билан бўлар эди. Лайли ва Қайснинг севгиси мана шундай одатларга тўқнаш келади. Лайлининг отаси ўзидан кичикроқ қабил бошлиғининг ўғли Қайсга қизини беришни истамайди, уни бадавлат Ибну Саломга узатмоқчи бўлади.

*Фарёдқи ўлгудек ғалим бор,
Тонг йўқ гар ўзумга мотамим бор, —*

деб Лайли бағрини тирнайди, Қайс (Мажнун) дашт-биёбонда саргардон бўлади Қаттиқ руҳий азобда қолган Лайли ҳам, Қайс ҳам хўрлик-зорлик билан ҳалок бўладилар. Навоий Лайли ва Мажнунларнинг мусибатли саргузашти ва фожиали тақдирини тасвирлаш орқали айрим шафқатсиз урф-одатларига, жабр-ситамларига қарши исён қилиб, инсоннинг эрки, севиш ва севилиш ҳуқуқини ҳимоя қилади.

“Хамса”нинг тўртинчи достони “Сабъаи сайёр” ишқий-саргузашт дostonдир. Ўз композицияси билан “Сабъаи сайёр” “Хамса”нинг бошқа дostonларидан тубдан фарқ қилади. У халқ эртакларида бўлганидек, “ҳикоя ичида ҳикоя” усулида яратилган туркум сюжетли асар ҳисобланади. Дoston Баҳром ва Дилором ҳақидаги қолипловчи ҳикоя ва унинг композицион силсиласига боғланган етти мустақил ҳикоядан иборат.

“Сабъаи сайёр”нинг қолипловчи Баҳром ва Дилором ҳикоясида ошиқ-маъшукнинг севги саргузашти тасвирланган. Баҳром – подшо. Дилором – санъаткор, гўзал қиз. Баҳром аввал одил бўлган, кейинчалик айш-ишратга берилиб, мамлакатнинг тақдирига бефарқ қарайди. Ишратпараст Баҳром ҳалок бўлади, овда уни “ер ютади”. Навоий Баҳромнинг фожиаси билан ўз давридаги ҳукмдорларни огоҳлантириб, уларни инсофли ва адолатли бўлишга чақиради. Бош ҳикоядаги Дилором – қалби соф қиз, санъаткор, лекин ҳуқуқсиз. У Чин савдогари томонидан Баҳромга сотилади. Шафқатсиз Баҳром уни бепон ён чўлда ўлим қучоғига ташлайди. Тасодиф билан омон қолган бегуноҳ Дилором охири ов вақтида Баҳром билан ҳалок бўлади.

Навоий етти ҳикоядаги Ахий, Фаррух, Саъд, Масъуд, Меҳр, Сухайл, Муқбил каби образлар воситаси билан одиллик, ростгўйлик, тўғрилиқ, қаҳрамонлик, саҳийлик, меҳмондўстлик каби фазилатларни тарғиб қилиб, Жайпур, Жобир, Мудбир каби образлар билан мунофиқлик, золимлик ва худбинлик каби иллатларни фош этади.

“Сабъаи сайёр” халқ поэтик ижодининг самарали таъсирида яратилган, айти чўғда ўзбек ёзма адабиёти ва фольклорида чуқур из қолдирган дostonдир.

“Садди Искандарий” (“Искандар девори”) қаҳрамонлик эпопеяси, Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларининг ёрқин кўзгусидир. Адолатли ва маърифатпарвар подшо бошчилигидаги марказлашган давлат учун кураш “Садди Искандарий”нинг бош ғоявий мотивидир. Лирик асарларида, “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи сайёр” дostonларида бу масалага алоҳида эътибор бериб, ижобий ва салбий подшоҳлар образини яратган Навоий “Садди Искандарий”да адолатли ва маърифатпарвар подшонинг муаммал қиёфасини кўр-



сатиш, ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашлари ва орзуларини бадий мужассамлаштириш вазифасини ўз олдига қўяди.

Навоий достонининг бош қаҳрамони Искандар тарихий шахс Александр Македонский бўлмай, баъзи ўхшашликлар (номи, юрти, айрим юришлари)га қарамай, Навоий орзусидаги одил ва маърифатпарвар подшонинг бадий образига айланади. Навоий Искандарнинг мураккаб ва хийла зиддиятли ҳаёт йўли ва фаолиятини тасвирлайди. Искандар кечмиш ҳодиса ва зиддиятлардан хулоса чиқариб, адолат ва маърифатнинг курашчиси ва қўриқчиси сифатида камол топади, ўз юртида ҳам, ўзга юртларда ҳам осойишталик ва адолат ўрнатади. Қирвон ўлкасида халқни “яъжуж-маъжуж” деб номланган ваҳшийларнинг ҳужумидан сақлаш учун девор қурдиради. Осойишталик ва тинчлик девори – Садди Искандарийни турли ўлка фарзандлари бино этади. Искандар ўлкаларни обод этади, олимларнинг маслаҳати билан иш тутиб, илмий ихтироларда ҳам ташаббус кўрсатади.

Навоий ўз давридаги ўзаро урушларни кўзда тутиб айтган эди:

*Бу гўё жаҳон ичра тўфон эрур, —
Ки андин жаҳон аҳли вайрон эрур.
Не тўфон, боло баҳри чайқалмоғи,
Жаҳон аҳли сув остига қолмоғи...*

Искандар эса уруш-юришларни бартараф этиб, жаҳонда осойишталик ўрнатади. Навоий Искандар образи билан ўз давридаги ҳукмдорларга таъсир этиб, уларни Искандардан ўрнак олишга чақиради.

Алишер Навоий икки йилдан бироз зиёдрок вақтда “Хамса”ни ёзиб тугатади, жаҳон адабиёти хазинасига го-явий-бадий юксак обида армуғон қилди, ўзи таъкидланганидек, Фирдавсий, Низомий, Хисрав Деҳлавий ва

Жомий каби доҳий санъаткорлар қаторидан фахрли ўрин олди.

Навоий “Хамса”сидан ташқари олтинчи шеърӣй эпик асари “Лисон ут-тайр” фалсафӣй дostonини яратди. Бу dostonда Навоий мажозий образлар ва уларнинг рамз-ли саргузаштлари орқали ҳаёт ва илоҳиёт ҳақидаги қарашларини баён этади. Шу билан бирга у ҳаёт лавҳаларини, кишиларнинг хатти-ҳаракати ҳамда феъл-атворидаги ижобий ва салбий хусусиятларни тасвирлайди.

Навоийнинг фикрича, бутун олам, мавжудот ягона моя-илоҳӣй субстанциянинг кўриниши – тазоҳиридир. Худонинг тазоҳири сифатида вужудга келган борлиқнинг энг асил кўрки инсондир. Инсон ҳаётидан, ўз-лигидан воз кечмаслиги, балки яшаш, ҳаётни севиши ва уни яхшилаш учун интилиши керак. Навоийнинг бундай фалсафӣй қараши – пантеизм (борлиқни илоҳӣйлаштириш), идеалистик моҳиятга қарамай, ўз даври учун муҳим аҳамиятга эга эди. Чунки Навоий пантеизми айрим шайхлар ва зоҳидлар томонидан тарғиб этилган мистицизм ва аскетизмга қарши қаратилган эди. Мистицизм, бу олам қандайдир сирлар оламидир ва ғайри табиий кучлар соясидир; инсоннинг яшамоғи бахтсизлик, ўлим бахтдир деб таълим берса, аскетизм таркидунёчиликни, “фоний дунё”дан воз кечишни тарғиб қилса, Навоий объектив борлиқни эътироф қилиб, инсонни, унинг ўз-лигини шарафлайди, уни яшаш ва ҳаётнинг ноз-неъматларидан файз олиб, меҳнат ва ижод қилишга чорлайди. Dostonдаги қушлар Худхуд бошлаган фано бўлиш йўлидан воз кечиб, ўзликлари моҳиятига тушуниб, ҳаёт йўлига қайтадилар.

“Лисон ут-тайр”да кўпгина ҳаётӣй ҳикоятлар ҳам бор. Уларда Навоий бадбинлик ва таркидунёчиликни, таъмагирликни, нодонлик ва жоҳилликни кескин танқид қилиб, сатира ва юмordan фойдаланади. Гўзал подшо, ахлоқсиз ва хаёлпараст қаландар, қаллоб зағгар, укув-

.....»».....

сиз боғбон, тўймас полвон ва бошқалар ҳақидаги ҳикоятлар шулар жумласидандир. Навоий бу ҳикоятлари билан кичик эпик жанрда ҳам катта маҳорат қозонади.

Алишер Навоий 1500 йилда ҳаёт тажрибалари, таассуротлари, ўзининг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашлари яқуни сифатида “Маҳбуб ул-қулуб” фалсафий-насрий асарини яратди. “Маҳбуб ул-қулуб” уч қисмдан ташкил топган. Биринчи қисмида муаллиф турли ижтимоий табақаларнинг, турли касб ва ҳунар эгаларининг жамиятда тутган ўрни ҳақида фикр юритади. Золим подшо, инсофсиз амалдор, риёкор қози, юлғич олиб сотар ва бошқаларни танқид қилади, меҳнат аҳлини, хусусан, деҳқонларни шарафлайди. Иккинчи қисмида ахлоқ-одоб масалалари ҳақида қимматли мулоҳазалар юритади. Учинчи қисмида ибратомуз ҳикоялар, мақол ва ҳикматли сўзлар келтиради. “Маҳбуб ул-қулуб” ўзбек бадий насрининг энг ёрқин намуналаридан биридир.

Алишер Навоий улуғ сўз санъаткори бўлиши билан бирга, ўз даврининг атоқли адабиётшуноси ва эстетик тафаккур тараққиётининг йирик намояндаларидан биридир. Навоийнинг адабиётшунослик фаолияти, адабий-эстетик қарашлари унинг бадий ижодкорлиги билан, XV аср адабий ҳаёти билан узвий боғлиқдир. Навоий сўз санъатининг турли масалаларига доир фикр-қарашлари билан ҳам, адабиёт ёдгорликлари ва замондошларининг асарларига доир мулоҳазалари билан ҳам бадий адабиётнинг равнақи учун, унинг ҳаёт эҳтиёжларига жавоб бериши, инсоннинг бахт-саодатига хизмат қилиши учун курашди. Навоийнинг тушунишича, бадий адабиёт маънавий маданиятнинг муҳим бир соҳасидир, у жамият ҳаётида катта рол ўйнайди, санъаткор ҳаётга, инсоннинг маънавий эҳтиёжига, жамиятдаги иллатларни тугатишга хизмат қилиши, энг яхши инсоний хислат ва фазилатларни тарғиб этили, китоб-

хонларнинг онги, ҳисси ва дидига ижобий таъсир қилиши керак. Истеъдодли сўз санъаткорларини қадрлаган, уларнинг ижодига юксак баҳо берган Навоий худбин, дидсиз ва қобилиятсиз шоирларни қаттиқ танқид қилади, маъно ва мазмуннинг етакчилигини инкор этиб, шаклбозликка берилиб кетган мақтанчоқ нозимларни фош қилади.

Навоийнинг уқтиришича, санъаткорлик маҳоратини ошириш кунт ва иштиёқ билан меҳнат қилишни, устоз сўз санъаткорларининг асарларини ўқиш ва ўрганишни, уларнинг ижодий тажрибасидан ўрнак олишни, халқнинг бойликларига катта эътибор беришни, тил бойликларини пухта эгаллаб олишни талаб этади.

Навоийнинг бадиий ижодиёти унинг адабий-назарий қарашлари ва эстетик идеалининг ёрқин тажассусидир. Ўз даври адабий ҳаёти адабий-эстетик қарашлари тараққиётида бениҳоя катта рол ўйнаган Навоий кейинги асрлар адабиёти ва адабий-эстетик тафаккурнинг равнақ топишига ҳам самарали таъсир этди.

Алишер Навоий адабиётшуносликка доир махсус уч асар – “Мажолис ун-нафоис”, “Мезон ул-авзон” ва “Рисолайи муаммо” деб аталувчи асарларини яратди. XV аср адабий ҳаётининг маълум бир кўзгуси бўлган “Мажолис ун-нафоис”да Навоий 400 дан ортиқ шоирнинг ижоди ҳақида баҳс юритди, аниқ мисоллар асосида асарларининг ютуқ ва камчиликларини кўрсатади. “Мезон ул-авзон” эса адабиёт назариясига доир асар бўлиб, унда Навоий аруз вазни ҳақида баҳс юритади, аруз назариясини бойитади, такомиллаштиради. “Рисолайи муаммо” муаммо жанрига бағишланган. Бу асарида Навоий бой далилий материаллар асосида муаммо жанрининг хусусиятлари ва қоидаларини ёритади. Бу асарлар адабиёт тарихи ва сўз санъати назариясини ёритишда катта илмий-маърифий қимматга эга.

Ўзбек адабий тилининг раўнақи учун кураш улў шоир ва мутафаккир Алишер Навоий фаолиятининг узвий ва муҳим бир қисми бўлди. У халққа унинг ўз тилида ғоявий-бадий юксак асарлар яратиш, халқ тилининг туганмас манбаларидан кенг фойдаланиш, унинг бойлиги ва нафислигини намойиш этиш учун курашди, ўзбек тилини камситган кишиларга қарши қаттиқ зарба берди. Навоий ўзбек адабий тили учун курашнинг ижтимоий – маданий ҳаётдаги аҳамиятига, унинг сиёсий ўрнига катта эътибор берди. Навоий ўзбек адабий тилининг раўнақи учун олиб борган кўп йиллик курашини, адабий тил ва адабиёт соҳасидаги бой тажрибаларини назарий жиҳатдан ёритиб ва якунлаб, тилшунослик фанининг нодир асари бўлган “Муҳокамат ул-луғатайн” ни яратди.

Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да тил ва тафаккурнинг баъзи умумий масалалари ҳақида фикр юритади, у тилга ижтимоий ҳодиса деб қарайди. Тил инсонни ҳайвондан ажратувчи “гавҳари шариф”, тафаккурнинг ифода куролидир. Унинг фикрича, кишининг кўнгли (фикр) дарё, сўз – дур, сўзловчи эса ғаввосдир. “Маъни адосида, – дейди Навоий, – алфоз тилга келур ва ул алфоздин маъни фаҳм бўлур”. Навоий тил билан тафаккурни бир-биридан ажратмайди, балки уларни узвий бирликда олади. У маънони бирламчи, шаклни иккиламчи деб ҳисоблайди, маънога сўзнинг жони деб баҳо беради.

Тўғри, Навоийнинг тил ва тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги қарашларида ўрта аср фалсафаси ҳам чуқур из қолдирган. Аммо унинг бу борадаги рационал қарашлари, тил ва тафаккур, шакл ва мазмун борасидаги тушунчалари бениҳоя катта аҳамиятга эга.

Навоий бой материал асосида чуқур илмий мулоҳазалар юритиб, ўзбек тилининг бойлигини, унинг ўзига хос хусусиятлари ва нафислигини ёритади, ўзбек ёзувчиларини она тилда ижод этишга ва бу тилнинг

хазиналаридан тўла фойдаланишга рағбатлантиради. “Муҳокамат ул-луғатайн” тилшуносликка доир асаргина бўлиб қолмай, балки шу билан бирга, ўзбек мумтоз адабиётининг тараққий этиш жараёни ва унинг истиқболини ёритган бир асар ҳамдир.

Халқ иши учун курашган улуғ шоир ва мутафаккир ўзбек адабий тилининг яловбардори бўлди, бу тилдаги ажойиб асарлари шуҳрат топди, бутун ўлкани эгаллаб олди:

*Турки назмида чу тортиб мен алам,
Айладим, ул мамлакатни як қалам.*

(“Лисон ут-тайр”)

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг фаолияти ва ижодиёти халқ ва ватанга, инсоният ва маърифатга хизмат қилишнинг ажойиб намунасидир.

Навоий ўзбек мумтоз адабиётининг барча тараққиёт босқичларида устоз шоир ва халқнинг бениҳоя катта ҳурмати ва муҳаббатига сазовор бўлган сўз санъаткори бўлиб қолди. Бу улуғ санъаткорнинг асарлари турли даврларнинг хаттотлари томонидан зўр муҳаббат билан кўчирилди, рассомларнинг нақши ва суратлари билан зийнатланди. XIX асрнинг 70-йиларида Ўзбекистонда босмахона пайдо бўлганидан кейин “Хамса”, “Чор девон” (“Ҳазойин ул-маоний”), “Вақфия” каби асарлари бир неча бор нашр этилди. Айрим асарлар ўқув қўлланмалари сифатида фойдаланилди, ғазаллари куйга солинди, ҳикматли сўзлари мақолларга айланди, халқ унинг асарларидаги ўлмас қаҳрамонлардан илҳомланиб, Бекобод яқинидаги тоққа Фарҳодтоғ, сойга Ширинсой деб ном берди, халқ ижодчилари Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун ҳамда Дилоромлар ҳақида янги-янги асарлар яратдилар, ўбек, тожик, туркман ва бошқа

халқларнинг оғзаки ижодида Навоий ҳақида ҳикоят, эр-
так ва афсоналар пайдо бўлиб, Навоийнинг фольклор-
даги образи яратилди.

Барча тараққиётпарвар ўзбек шоирлари Навоийдан
таълим олдилар, унинг анъаналарини давом эттирди-
лар. Жумладан, Мунис шеърларидан бирида:

*Сўз ичра Навоийки жасҳонгир турур,
Мунисга маоний йўлида пир турур,-*

деган бўлса, Огаҳий:

*“Огаҳий, ким топғай эрди сози назмингдин наво,
Баҳри гар йўқтур Навоийнинг навосидин сенго”,—*

дейди.

Навоий асарларига назира битиш, ғазалларига му-
хаммас боғлаш одат бўлиб қолди. Ёзувчи Умар Боқий
Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”
дostonларининг қисқартирилган насрий вариантини
ишлаб чиқди.

Алишер Навоийнинг фаолияти ва ижодиёти халқлар
ўртасидаги маданий ва адабий алоқаларни мустаҳкам-
лашга хизмат қилди. Халқлар дўстлиги ғоясини илгари
сурган улуғ шоир Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адаби-
ётини кунт билан ўрганди, ўз навбатида, Шарқ халқла-
ри адабиётининг тараққиётига самарали таъсир этди.

Навоийнинг асарларига назира битиш, ғазалларига
мухаммас боғлаш одат бўлиб қолди. Ёзувчи Умар Боқий
Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”
дostonларининг қисқартирилган насрий вариантини
ишлаб чиқди.

Алишер Навоийнинг фаолияти ва ижодиёти халқлар
ўртасидаги маданий ва адабий алоқаларни мустаҳкам-
лашга хизмат қилди. Халқлар дўстлиги ғоясини куйла-

ган улуғ шоир Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётини қунт билан ўрганди, ўз навбатида, Шарқ халқлари адабиётининг тараққиётига самарали таъсир этди.

Навоий ҳаёт давридаёқ тожик, эрон, озарбайжон ва бошқа халқлар улуғ сўз санъаткорларининг юксак эҳтироми ва тақдирига сазовор бўлган эди. “Муҳокамат ул-луғатайн” да қайд қилинишича, Абдурахмон Жомий янги асарларининг Навоийга бериб: “Бу авроқни ол ва боштин оёғига назар сол, хотирингга ҳар не айтгудек сўз келса айт” дер ва Навоийнинг фикрларини самимият билан қабул қилар экан. Шунинг учун ҳам Навоий “Хамса”сида:

*Номағаким рақам этиб хомасин,
Кўрмади, мен кўрмайин, эл номасин, –*

деб таъкидлайди. Хондамир, Давлатшоҳ ва Восифий Навоий истеъдоди, унинг олим, шоир ва санъаткорлар билан яқин алоқаси ҳақида ғаройиб хотираларни сўзлайдилар.

Навоий асарлари Шарқ ўлкаларининг кўп хаттотлари томонидан қайта-қайта кўчирилади ва нодир китоблар фондига киради. Навоий асарларини яқиндан ўрганиш учун луғат китоблари тузила бошлайди. Навоий ҳаётининг охирида ёки ўлиmidан бир оз кейин унинг асарлари асосида “Бадойи ул-луғат”, сўнгроқ “Луғати Навоий”, 1560 йилда Алоий бинни Муҳибий “Абушқа” деб ном чиқарган луғатни тузади. Форсча ва туркча луғатлардан ташқари Навоий асарлари матни ва сўзлиги ўзбек тилидаги луғатлардан ҳам кенг ўрин олди. Хоразмлик олим Муҳаммад Хоксор яратган “Мунтаҳаб ул-луғат” – “Сайланма луғат” (1798) китоби шулар жумласидандир.

Алишер Навоий асарларини турли тилларга таржима қилиш ҳам узоқ тарихга эга. Ўтмишда унинг бир қа-

торда бадий ва илмий асарлари Шарқ ва Ғарб тилларига таржима қилинган. Масалан, "Мажолис ун-нафоис" XVI асрдаёқ форс тилига Фахрий бин Султон Муҳаммад Амирий, Муҳаммад Қазвиний ва Шоҳали Абдуали Нишопурий томонидан 3 марта таржима қилинган. XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг аввалларида ўтган озарбайжонлик адабиётшунос Содиқбек китобдор "Мажолис ун-нафоис"дан фойдаланиб ва илҳомланиб Навоий тилида (ўзбек тилида) "Тазкираи мажма ул-хавос" ("Хос кишилар жамъи тазкираси")ни тузди. "Мажолис ун-нафоис" тазкирачилик тарихи ва унинг тараққиётида чуқур из қолдирди. Навоийнинг бошқа тилларга таржима қилинган дастлабки бадий асари "Сабъаи сайёр" бўлди. Христофор Арманийнинг 1557 йилда италян тилида нашр этилган "Сарандиб шоҳи уч ўғлонининг зиёрати" асарида Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достонидаги қолипловчи ҳикояси "Баҳром ва Дилором" ҳикоя қилинади. Бу асар немис, француз ва голланд тилларига таржима қилиниб, 11 марта нашр этилган. Шунингдек, XVII аср грузин шоири Цицишвили Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достонини эркин таржима қилиб, "Етти гўзал" достонини яратди. Ўша асрда ўтган грузин шоири Нодор Персоданиодзе "Навоий бу қисса ("Сабъаи сайёр") ни чиғатой (қадимги ўзбек) тилида ёзган, биз шоирликда бирон кишини у билан тенглаштириб тасаввур қила оламизми?" деган эди. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" асари турк ва татар тилига таржима қилинди.

Навоий бир қатор халқларнинг буюк намояндалари қаторидан ўрин олди. Тожик мумтоз шоирлари; Фузулий, Кишварий, Мирзо Фатали Охундов каби озарбайжон ёзувчилари; Озодий, Махтумқули каби туркман шоирлари, қозоқ ёзувчиси Абай, қорақалпоқ соҳибқаламлари Бердақ, Ажиниёз, татар санъаткорлари Абдулла Тўқай, Қаям Носирий ва бошқалар Навоийгга юксак

баҳо бериб, асарларидан таълим олдилар, айрим асарларига назира битдилар.

Навоийдан таълим олган ва илҳомланган улуг озарбайжон шоири Фузулий:

*Турк Ажаму Арабда айём,
Ҳар шоира вермишидин бир ком,
Ўлмишди Навоий сухандон,
Манзури шаҳаншаҳи Хуросон, –*

деган бўлса, Кишварий (XVI аср) "Навоий ҳимматидан Кишварий аҳли назар бўлди", - дейди. Абай Шарқ поэзиясининг Фирдавсий, Ҳофиз, Саъдий, Навоий ва Фузулий каби буюк намоёндаларини эслаб, улардан мадад тилаган бўлса, Бердақ:

*Чор китобдан тура қочдим,
Навоийдан савод очтим, –*

дейди. Навоий ижодиётига қизиқиш ва уни ўрганиш Европа ва Россияда ҳам хийла катта тарихга эга. Француз шарқшуноси Катрмер 1841 йилда босилган хрестоматиясига Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" ва "Тарихи мулки Ажам"ини, И.Н.Березин "Турк хрестоматияси"га унинг бир неча асарларидан парчалар беради. М.Никитский 1856 йилда биринчи манбалар асосида "Амир Низомиддин Алишёр, унинг давлат ва адабиёт соҳасидаги аҳамияти" магистрлик диссертациясини ёзади. Шу билан бирга, Н.И.Ильминский, В.В.Вельяминов-Зернов, В.В. Бартольд, М.Белен, Паве де Куртейль, Э.Браун ва бошқа шарқшунослар Навоийнинг фаолияти ва мероси билан шуғулландилар. Афсуски, айрим олимлар Навоийнинг адабий меросига тўғри баҳо беролмадилар, унинг меросини чуқур илмий асосда текширмай, "Навоий таржимон" деган даъво билан чиққан эдилар.

.....»»».....

Навоийнинг фаолияти ва адабий-илмий меросини ўрганиш соҳасида янги давр бошланди. Улуғ шоир ва мутафаккирнинг буюк обидаларидан кенг баҳраманд бўлишга шарт-шароит яратилди.

1941 йилда Алишер Навоийнинг туғилганига 500 йил тўлишини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Бутун мамлакатда қизгин иш бошланди. Навоий асарлари нашр этилди, қардош халқларнинг тилларига таржима қилинди, илмий тадқиқотлар яратилди. Ўзбекистон адабиётшунослари билан бирга, қардош халқларнинг олимлари ҳам самарали иш олиб бордилар. Навоий ҳақида монографиялар, илмий тўпламлар яратилди, диссертациялар ёзилди. Ёзувчи ва санъаткорлар ҳам улуғ шоир ва мутафаккирнинг образини яратиш устида иш олиб бордилар. Ёзувчи Ойбек Давлат мукофотиغا сазовор бўлган “Навоий” романини, Уйғун ва Иззат Султон “Алишер Навоий” драмасини ёздилар, “Алишер Навоий” драмаси асосида киносценарий яратилиб, Навоий образи кино экранда мужассамлашди, шоирлар “Салом, Навоий” шеър ва дostonлар тўпламини туҳфа қилдилар. А.Бать “Ҳаёт бўстони” повестини яратди ва бошқалар. Навоий дostonлари асосида яратилган “Фарҳод ва Ширин” мусиқали драмаси, “Лайли ва Мажнун” операси, “Меҳр ва Суҳайл” балети, “Дилором” операси ўзбек театр санъатининг энг яхши асарлари бўлиб келмоқда.

1948 йилда бутун мамлакатимиз Навоий юбилейини нишонлади. Навоий юбилейи мамлакат маданият ва халқлар дўстлигининг катта тантанаси бўлди. Навоий номини абадийлаштириш учун қатор тадбирлар кўри-либ, маданият ўчоқлари, корхоналар, ўқув юртлари Навоий номи билан аталди.

Ўзбек навоийшунослари Навоийнинг фаолияти ва меросини янада чуқурроқ ўрганиш ва ёритишда янгидан янги ютуқларга эришиб бормоқда 50-60 йиллар навоийшуносликнинг бениҳоя сермахсул бир босқи-

чи бўлди. 1957 йилдан бошлаб ҳар йили Навоийнинг туғилган куни 9 февралда илмий-анъанавий конференция ўтказилиб, Навоий меросини ўрганиш соҳасида қилинган йиллик ишларга яқун ясалмоқда.

Кейинги йилларда Навоий асарларининг мамлакатимиз китоб фондлари ва чет элларда сақланаётган деярли барча нодир нусхалари ўрганилди. 40-йилларда бошланган Навоий асарларининг илмий-танқидий матнини яратиш иши 50-60-йилларда янада катта самаралар берди, Навоийнинг кўпчилик асарларининг илмий-танқидий матни ишлаб чиқилди. "Девони Фоний" ва бошқа асарларнинг нодир нусхалари топилиб нашр этилди. Ўзбек тилида Навоий асарлари 15 томлик куллиёти босиб чиқарилди, рус тилида Навоий асарларининг 10 томлиги тайёрланди. Бошқа қардош халқлар тилларида ҳам Навоий асарларининг янги нашрлари, қардош халқлар тилларига таржима қилиниши бениҳоя катта маданий ҳодисадир.

Ўзбек навоийшунослари Навоий ижодиётининг қатор муаммоли масалаларини ёритиш, унинг даврини ўрганиш соҳасида ҳам улкан натижаларга эришди. Кейинги йилларда бир қатор йирик монографик, илмий-оммабоп асарлар яратилди. Ўзбек навоийшунослиги сафи истеъдодли ёш илмий ходимлар билан кенгайиб, муштаҳкамланиб бормоқда. Ўзбек адабиётшунослари билан ҳамкорликда Навоий меросини тадқиқ этишда қардош халқларнинг олимлари унумли ишламоқдалар. Чет эл олимлари ҳам Навоий ҳақида янги асарлар яратдилар.

Навоий мероси филологлар билан бир қаторда файласуфлар, тарихчилар, санъатшунослар, фольклоршунослар, этнографлар ва бошқа илм соҳалари намоёндалари тадқиқотининг катта ва муҳим объекти бўлиб қолди.

Адабиёт ва санъат аҳллари: ёзувчилар, рассомлар, ҳайкалтарошлар, наққошлар ва бастакорлар Навоийга



бағишлаб, унинг бадий ижодиёти мавзуида янги ва нодир асарлар яратдилар.

Бутун ўзбек халқи улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг 578 йиллик юбилейини қизғин кутиб олмоқда.

Навоий мероси тарихий, маърифий, шу билан бирга, жуда катта ижтимоий-тарбиявий ва эстетик аҳамиятга эга. Инсонпарварлик, халқпарварлик, дўстлик, биродарлик ва тинчлик учун кураш ғоясини ҳормай-толмай қуйлаган, ажойиб обидалар ва ўлмас образлар яратган Навоий демократик жамият қураётган ўзбек халқи билан ҳар доим биргадир; у мангу барҳаётдир.

Иловалар

1. Навоий ҳаёти ва фаолиятининг муҳим саналари.

1441 – 9-феврал. Ҳирот шаҳрида туғилди

1447 – Хуросондаги ногинчликлар сабабидан Алишерлар оиласининг Ироққа кўчиши.

1457 – Абулқосим Бобурнинг Машҳадда вафоти, Алишернинг Машҳадда қолиб, Шайх Камол Турбатий, Хожа Муҳаммад Астрободийлар хайрихоҳлигида ўқишни давом эттириши.

1464 – Ҳиротга қайтиш, Султон Абусаиднинг Навоийга салбий муносабати.

1465–1469 Навоий Самарқандда.

1469 – Ҳусайн Бойқаронинг тахтга чиқиши, Навоийнинг Ҳиротга қайтиши. 14 апрел. “Ҳилолият” қасидаси билан дўстининг даргоҳига дохил бўлиши, муҳрдорлик лавозимида тайинланиши.

1470 – Ёдгор Мирзо фитнаси ва унинг бостирилиши.

1472 – Февраль. Навоийнинг вазирликка тайинланиши.

1476 – Навоийнинг вазирликдан истеъфо бериши

1487 – Январь. Навоийнинг Ҳиротдан узоқлаштирилиши, Астрободга ҳоким қилиб тайинланиши.

1488 – Навоийнинг Ҳиротга қайтиши.

1496 – Бадиуззамонни Ҳусайн Байқаро билан яраштириш учун Навоийнинг Балхда бўлиши.

1497 – Мўминмирзонинг қатл этилиши.

1498 – Навоийнинг Марв ва Абивардда бўлиши.

1500 – 31 декабр. Навоийнинг Султон Ҳусайн билан сўнгги кўришиши ва тўсатдан бетоб бўлиб қолиши.

1501 – 3 январ. Навоийнинг вафоти.

II. Навоий асарларининг рўйхати

“Бадойи ул-бидоя” (“Бадийлик ибтидоси” – ўзбек тилида яратилган шеърларнинг биринчи девони);

“Наводир ун-ниҳоя” (“Беҳад нодирликлар” – ўзбек тилида яратилган шеърларнинг иккинчи девони);

“Хазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси” – ўзбек тилида яратилган шеърларнинг 4 девонидан иборат куллийти: “Ғаройиб ус-сиғар” – “Болалик қизиқликлари”, “Наводир уш-шабоб” – “Йигитлик нодирликлари”, “Бадойи ул-васат” – “Ўрта ёшлик гўзалликлари”, “Фавойид ул-кибар” – “Кексалик фойдалари”);

“Девони Фоний” (форс-тожик тилидаги шеърлари куллийти);

“Фусули арбаа” (“Тўрт фасл” – форс-тожик тилида йил фасллари ҳақида ёзган 4 қасида);

“Хамса” (Беш дostonдан ташкил топган китоб: “Ҳайрат ул-аброр” – “Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъи сайёр” – “Етти сайёра”, “Садди Искандарий” – “Искандар девори”);

“Лисон ут-тайр” (“Қуш тили” – фалсафий дoston);

“Маҳбуб ул-қулуб” (“Қўнгилларнинг севгани” – фалсафий-наصريй асар);

“Мажолис ун-нафоис” (“Тўзал мажлислар” – XV аср шоирларига доир тзакира);

“Мезон ул-авзон” (“Вазнлар ўлчови” – аруз вазнига доир назарий асар);

“Рисолаи муаммо” (Муаммо жанрига доир масалалар);

“Муҳокамат ул-луғатайн” (“Икки тил муҳокамаси” – лингвистик асар);

“Хамсат ул-мутаҳаййирин” (“Беш ҳайрат” – Абдурахмаон Жомий ҳақида)

“Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” (биографик-адабий асар);

“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” (биографик-адабий асар);

“Муншаот” (“Хатлар”);

“Форсий, муншаот” (“Форсча хатлар”);

“Вақфия”;

“Тарихи мулки Ажам” (“Ажам подшолари тарихи”);

“Рисолан тир андохтан” (“Ўқ ёй отиш рисоласи”);
 “Назм ул-жавоҳир” (“Гавҳарлар тизмаси” – дин ва ахлоққа доир асар);
 “Насойим ул-муҳаббат” (“Муҳаббат шабадаси” – тасаввуф ва сўфийлар ҳақидаги асар);
 “Тарихи анбиё ва ҳукамо” (“Анбиёлар ва ҳакимлар тарихи”);
 “Сирож ул-муслимин” (“Муслмонлик нури”);
 “Чиҳил ҳадис” (“Қирқ ҳадис”);
 “Муножотнома”.

III. Алишер Навоий ҳақида яратилган илмий ва илмий оммабоп асарлар

Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. – Тошкент: 1968.

Абдурахмонов Ғ. Туркияда навоийшунослик // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1966 – 6-сон.

Абдуғафуров А. Навоий сатираси, 1-китоб. – Тошкент: Фан, 1968.

Абдуғафуров А. XIX аср II ярми ўзбек сатирасида Навоий традицияларининг баъзи масалаларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1962 – 5-сон.

Айний С. Алишер Навоий. – Сталинобод: 1948.

“Алишер Навоий”, Сборник статей, под редакцией А.К.Боровкова, М.-Л, 1948.

Алишер Навоий. Ғазаллар, шарҳлар. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 176.

÷ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 1-том. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 656.

Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 2-том. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 644.

Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 3-том. – Тошкент: Фан, 1984. – Б. 624.

Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4-том. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 636.

Арасли Ҳ. Навоий ва озарбайжон адабиёти. “Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти илмий асарлари”, XXIX, Ўзбек тили ва адабиёти, 1962.

Абилов Ш. Татар поэзиясида Навоий овози // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1966 – 3-сон.

Соҳидов В. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий. -Тошкент: Фан, 1948

Захидов В. Мир идей и образов Навои. - Ташкент: Узлитиздат, 1961.

Соҳидов. В. Шеърӣй эпик роман. Алишер Навоий, Танланган асарлар II том, II-китоб; "Фарҳод-ва-Ширин"-. - Тошкент: Ўздавнашр, 1948.

Соҳидов В. Мангу ҳаёт хазина. Алишер Навоий, "Хамса". - Тошкент: Фан, 1960.

Соҳидов В. Ўлмас халқ даҳоси, Алишер Навоий, ўн беш томлик, биринчи том, - Тошкент: Ўзадабийнашр, 1963.

Иброҳимова Э. Навоий традициясининг XIX аср Хоразм шоирлари ижодидаги айрим кўринишлари // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1965 - 2-сон.

Исмоилов Э. Навоий ва қозоқ адабиёти, "Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти илмий асарлари", XXIX. Ўзбек тили ва адабиёти, 1962.

Исҳоқов Ё. Навоий ва Амир Хусрав. // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1967 - 4-сон.

Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. -Тошкент: Фан, 1965.

Каримов Ғ. Рус шарқшунослигида Навоий ижоди масалалари // Шарқ юлдузи. - Тошкент, 1967- 7-сон.

Конрад Н.И. Средневосточное Возрождение и Алишер Навои. Избранные труды, Литература и театр. - Москва, 1978. - С. 90-104.

Маллаев Н.М. Алишер Навоий (Ўзбек адабиёт тарихи, 1-китоб, -Тошкент: Ўқитувчи, 1965, - Б. 399-626).

Маллаев Н.М. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. - Б. 333.

Маллаев Н.М. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожига Навоийнинг роли ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1961 - 3-сон.

Маллаев Н. М. XV аср тазкираларининг тарихий-адабий аҳамияти ҳақида, "Ўзбек адабиёти масалалари". - Тошкент: Ўзадабийнашр, 1959.

Малов С.Е. Мир Алишер Навои в истории тюркских литератур и языков Средней и Центральной Азии, "Известия АН",отд лит. и яз., т. VI, вып. 6, 1947.

Мир-Фли-Шир. Сборник статей, под ред. академика Бартольда В. Б., Л., 1928.

Мирзоев А. Чашми марди бузург // Садои Шарқ, 1966 – 8-сон.

Мирзоев А. Фоний ва Ҳофиз // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1966. – 4-сон.

Мирзоев А. Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги мероси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1967 – 2-сон.

Муродов М. Афсоналарда Шоир сиймоси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1967 – 4-сон.

Муллахўжаева К.Т. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги: Филол. фан-ри. д-ри. дисс. – Тошкент, 2005. – Б. 147.

Муҳиддинов М.Қ. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси: Филол. фан-ри. д-ри. дисс. – Тошкент, 1995. – Б. 288.

Мўминов И. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиши тарихидан. – Тошкент, 1960.

Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 214.

Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П.Шамсиев ва С.Иброҳимов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – Б. 784.

Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 1. Бадоеъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 724.

Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 2. Наводир ун-ниҳоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 622.

Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 616.

Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 4. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 588.

Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 5. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 544.

Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 6. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 568.

Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 7. Ҳайрат ул-аброр. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 392.

Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 8. Фарҳод ва Ширин. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 544.

.....
Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 9.
Лайли ва Мажнун. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 356.

Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 10.
Сабъан сайёр. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 447.

Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 11.
Садди Искандарий. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 640.

Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 14.
Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 304.

Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15.
Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 785.

Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 16. –
Тошкент: Фан, 2000. – Б. 544.

Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 17.
Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 520.

Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 18.
Девони Фоний. – Тошкент: Фан, 2002. – Б. 550.

“Навоий армуғон”, Мақолалар тўплами. Низомий номидаги
Тошкент Давлат педагогика институти илмий асарлари. –
Тошкент: Фан, 1968.

“Навоий замондошлари”, тўпламни нашрга тайёрловчи
Ҳоди Зарифов, – Тошкент: 1948.

Нарзуллаева С. Алишер Навоий. – Тошкент: Фан. 1966.

Ойбек. Навоий ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –
Тошкент, 1961 – 1-сон.

Ойбек. Навоий ғазлиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. –
Тошкент, 1961 – 2, 5-сонлар.

Ойбек. Навоий гулшани. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги
“Тошкент” нашриёти, 1968.

Олимжонов Ҳ (Ҳамид Олимжон). “Фарҳод ва Ширин”
ҳақида, Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар, 3-том, 1960.

Родоначалник узбекской литературы, Сборник статей,
под редакцией Боровкова А. К., Ташкент, 1940.

Рустамов Э. Гадоийнинг бир қасидаси ва “Мажолисун
нафоис”нинг ёзилиш тарихи // Ўзбек тили ва адабиёти. –
Тошкент, 1967, – 2-сон.

Салье М. А. Алишер Навои как биограф, “Литературный
Ташкент”, Альманах, N 2, 1947.

Саади А. Г. Творчество Навои –высший этап в развитии узбекской классической литературы, Афтореферат докторской диссертации, 1948.

Сулаймонов Ҳ. (Ҳ. Сулаймон). Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида, Алишер Навоий, ўн беш томлик, биринчи том. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1963.

Сулейманова Х. Текстологические исследование лирики Алишера Навои. –Ташкент: Изд-во АН, 1961.

Сулаймонов Ҳ, Алишер Навоийнинг форс тилидаги мероси тадқиқотидан // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1965–5-сон.

Сулаймонов Ҳ, Навоийнинг “Фоний” девони // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1965– 9-сон

Сулаймонов Ҳ. Нодир ёдгорлик // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1966 –6-сон.

Сулаймонов Ҳ. “Хазойинул маоний” текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари, Алишер Навоий, Хазойинул маоний, 1. “Ғаройибус сиғар”. –Тошкент: Фан, 1959.

Султонов И. “Мезонул авзон”нинг критик тексти ҳақида А.Навоий, Мезонул авзон. –Тошкент, 1949.

Султанов И. Исследователи Навои, “Литература и искусство Узбекистана”, книга вторая, 1940.

Усмонов А. ^а“Муҳокаматул луғатайн” Алишера Навоий. – Тошкент: Издво АН, 1948.

Улуғ ўзбек шоири. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 1948.

Шайхзода М. Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида, “Ўзбек адабиёти масалалари”. –Тошкент: 1959.

Шайхзода М. Устоднинг санъатхонасида // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1965 –10-сон, 1966, 5,7-сон.

Шайхзода М. Асрлар оша // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1966 –2-сон.

Шайхзода М. Гениал шоир. – Тошкент: 1956.

Шамсиев П. “Сабъаи сайёра” достонининг илмий критик текстининг нашрга тайёрлаш принциплари ҳақида, Алишер Навоий. “Саббаи сайёр”, – Тошкент: Фан, 1956.

Шарафиддинов О. Алишер Навоий . Ҳаёти ва ижодиёти. – Тошкент: Ўздавнашр, 1948.

Шарафиддинов О. Баҳром Гўр образи ва “Саббаи сайёра” тўғрисида. Алишер Навоий. Танланган асарлар., II том, IV китоб, – Тошкент: 1948.

Эркинов С. Шарқ адабиётларида Фарҳод образининг эволюциясига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1966–2-сон.

Ўтанова С.Х. Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси: Филол. фан-ри. дисс. – Тошкент, 2007. – Б. 138.

Қодирий Р. Устод ижодидан баҳра олиб // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1966–9-сон.

Қодинова М. Навоий ва Нодира // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964– 5-сон.

Ганиева С. Алишер Навоий. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962.

Ганиева С. Давр адабиётининг кўзгуси. А.Навоий. “Мажолисун нафос”. –Тошкент: 1961.

Ганиев С. Навоий ва замонамиз // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1966– 2-сон.

Ҳайитметов А. Алишр Навоийнинг адабий танқидий қарашлари. –Тошкент: Фан, 1961.

Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: 1961.

Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи. –Тошкент, 1965.

Ҳайитметов А. Навоийнинг текстологик тадқиқотлари ва уларнинг тақдири ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1965–1-сон.

Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – Б. 216.

Ҳайруллаев М. Алишр Навоийнинг дунёқарашининг ғоявий манбалари. // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1967– 4-сон.

Ҳакимов М. Алишр Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Фан, 1979. – Б 196.

Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. Гўзалликдаги ранглар олами. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б. 192.

Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеърининг шаклланиши ва тараққиёти: филол. фан-ри д-ри. дисс. – Тошкент: 1995. – Б. 283.

Ҳомидий Х. Навоийнинг шарқ халқлари адабиётига таъсири масалаларига доир, ЎЗ.ФА ахбороти, 1948–5-сон.



Ҳомидий Ҳ. Навоий-аруз назариятчиси сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1966–5-сон.

Ҳусанхўжаев И. Навоий таълим тарбия ҳақида.– Тошкент: Ўрта ва Олий мактаб, 1963.

IV. Алишер Навоий номи билан аталган муҳим жойлар рўйхати

Навоий шаҳри (собик Кармана) – Бухоро вилояти йирик саноат шаҳри.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонаси (Тошкент шаҳрида)

Алишер Навоий номидаги академик Катта театр.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёти музейи (Тошкент шаҳрида).

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

(Бундан ташқари кўпгина мактаб, кутубхона, турли иншоотлар ва бошқа жойлар Алишер Навоий номига аталган).

МУНДАРИЖА

Навоий даври.....	5
Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти.....	8
Улуғ шоир, олим ва мутафаккир.....	17
Иловалар	58

НАТАН МАЛЛАЕВ

БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР

Муҳаррир: М.Жабборова
Рассом: Ш.Одилов
Саҳифаловчи: Д.Жалилов
Мусахҳих: М.Мирортиқова

Нашриёт лицензияси: АИ №259, 31.12.2014
Босишга 2019 йил 18 февралда рухсат этилди.
«Cambria» гарнитураси. Бичими 84x108 1/32.
Ҳажми 4.25 ш.б.т. Адади 1000 нусха. Буюртма № 7.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.
Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 1 уй.

МЧЖ «SHIDASP» матбаа корхонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,
Тахтапул Дарвоза кўчаси, 344-уй.



ISBN 978-9943-06-628-1



9 789943 066281